ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1997 йил, 12 апрель, шанба № 44 (840). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 12 апреля 1997 г. № 44 (840). ● В розницу — цена свободная

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 11 апрель куни Латвия Ташқи ишлар вазири Валдис Биркавсни қабул қилди.

Республикамиз раҳбари Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлар экан, жаноб В. Биркавснинг мазкур ташрифи икки мамлакат алоқаларининг янада ривож топишига хизмат қилади, дея ишонч билдирди.

В. Биркавс Латвия Ўзбекистон билан ҳар томонлама ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланишидан манфаатдор эканини қайд этиб, Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги асосий ҳамкор сифатида танлаганимиз тўғрилигини вақт исботламоқда, деди.

Учрашув чоғида мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, турли соҳалар бўйича имзоланган ҳужжатларни ҳаётга тўла татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Вилцанс ҳозир бўлди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

11 апрель куни мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия Ташқи ишлар вазири Валдис Биркавс Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов билан учрашди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида транспорт, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ҳамда молия соҳаларида, хусусан банкларароҳамкорликни кенгайтириш ва бу борадаги мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Б. Ҳамидов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 11 апрель куни мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия Республикаси Ташқи ишлар вазири Валдис Биркавс раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Ҳар икки мамлакат ташқи сиёсатидаги йўналиш халқаро муносабатларда бир-бирига мос тушаётгани таъкидланди.

Музокаралар чоғида А. Комилов ва В. Биркавс икки давлат ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон ва Латвия ҳукуматлараро комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Шунингдек, ҳуқуқий соҳада ҳамкорлик қилиш ҳақидаги аввал имзоланган шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилди.

Музокаралар чоғида Латвиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А. Вилцанс ҳозир бўлди.

ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

11 апрель куни Республика Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий масалалар, фан ва маданият мажмуининг мажлиси бўлди. Унда жорий йил биринчи чорагида ижтимоий соҳада ислоҳотларнинг бориши якунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорини ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинди.

Мажлисни Республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев бошқарди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазири О Салимов, Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов, «Ўзфармсаноат» концерни раиси К. Шодиев, Маданият ишлари вазири ўринбосари М. Абдуқундузов ва бошқаларнинг ана шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Мажлисда таъкидландики, мазкур мажмуа таркибига кирувчи вазирликлар, қўмита, идора ва ташкилотларда дастлабки чорак режаси бўйича муайян иш ва тадбирлар амалга оширилган. Шу билан бирга улар тасарруфидаги корхоналарнинг молиявий мустақил фаолият юритиши учун зарур шароит яратиш, ўзаро дебиторлик-кредиторлик қарзларини камайтириш борасидаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди.

1997 йил мамлакатимизда Инсон манфаатлари йили деб эълон қилинди. Ҳисобот даврида бу борада кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди.

Мажлисда мутасадди раҳбарларга ўз фаолиятларини танқидий баҳолаб, ўтказилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш, инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги ишларни янада кучайтириш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

(ЎзА).

НОВОСТИ РЕСПУБЛИКИ

В Государственном комитете по науке и технике (ГКНТ) состоялось заседание республиканской межведомственной комиссии по реализации концепции информатизации Республики Узбекистан. В нем приняли участие руководители министерств, ведомств, банков, ученые и специалисты.

На заседании были обсуждены ход и перспективы информатизации работы банков Узбекистана. Рассмотрен вопрос о создании в республике общей системы классификаторов, наличие которой является одним из главных условий формирования единого информационного пространства в стране.

Бозорларимиз тўкин-сочинлигини таъминлашда шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларининг ҳиссаси катта. Республика раҳбарияти шуни ҳисобга олиб уларга амалий ёрдам бериш чора-тадбирларни кўрмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони айни шу мақсадга қаратилган.

Мазкур Фармон талабларини бажариш мақсадида Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси таъсис қурултойи ўтказилди. Унда Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмасининг низоми тасдиқланди ва бошқарув органлари сайланди.

В Карши состоялось собрание актива Кашкадарьинской области, посвященное итогам социально-экономического развития области за первый квартал, а также задачам дальнейшего углубления реформ во всех сферах экономики.

Пил бошидан буён Самарқанд вилоятида саноатнинг нодавлат сектори анча ривожланди, меҳнат унумдорлиги бирмунча ошди. Ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш салкам 15 фоиз, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш эса қариб 30 фоиз кўпайди.

Айни вақтда баъзи тармоқларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Масалан, «Красный двигатель», лифтсозлик, бургулаш асбоблари ишлаб чиқариш корхоналарида илғор иш усулларини қўллашга старли эътибор берилмаяпти. «Мевасабзавотузумсаноат»га қарашли корхоналарда силжиш умуман кузатилмаяпти. Вилоятда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари камаймаяпти. Савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш ҳам кўнгилдагидек эмас.

В Ташкенте начала работу 4-я конференция постоянно действующего семинара «Ўзбек тили», проводимого под девизом «Она тилим — шону дилим» («Родной язык — душа и жизнь»). Он организован Министерством народного образования Республики Узбекистан и республиканским Центром образования. Этот семинар, направленный на совершенствование языкового образования в учебных заведениях, начиная с 1991 года, проводится регулярно раз в два года.

Нынешняя двухдневная конференция посвящена проблеме основных факторов работы над текстом в учебном процессе.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан илғор иш тажрибаларини қўллаш, замонавий техникадан самарали фойдаланишга боғлиқ. Мамлакатимизда бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида «Ўзкейссервис» тузилгани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Далаларимизда АҚШнинг дунёга машҳур «Кэйс» галла ўриш комбайнлари қаторига эндиликда юқори унумли ва жаҳон андозалари талабига мос «Магнум-7240» русумли тракторлар ҳам қўшилди.

Наврўз байрами кунлари Наманган вилояти тиббиёт муассасалари 7,5 миллион сўмлик тиббий ускуна ва жиҳозларга эга бўлди.

Энг янги тиббий аппаратлар, беморларга ташхис қўйиш ва тез даволаш учун асбоблар шифохона ва туғруқхоналарга жўнатилди. Вилоятнинг бир қанча тиббий муассасаларига «Дамас» маркали «Тез ёрдам» автомобилларининг ажратилиши ҳам жуда ўринли бўлди. Наманган шифокорлари тасарруфига йил охиригача жами юзга яқин янги «Тез ёрдам» автомашиналари етказиб бериш мўлжалланмоқда.

Завтра—профессиональный праздник воинов ПВО!

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА ҚУШИНЛАРИ ШАХСИЙ ТАРКИБИГА

ТАБРИГИ

13 апрелда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида она-Ватанимиз само сарҳадлари ҳимоячиларининг касб байрами — Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни нишонланади.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари жангчилари катта аждодларининг шонли жанговар анъаналари давомчилари бўлиб, она-Ватанимиз олдидаги ўз конституциявий бурчларини шараф билан бажармоқдалар.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари шахсий таркиби Қуролли Кучларимизнинг бошқа турдаги жангчилари билан ягона жанговар сафда бўлиб, жанговар маҳоратларини астойдил такомиллаштирмоқда, мураккаб жанговар техникаларни ўзлаштирмоқда, суверен Ўзбекистонимизнинг ҳаво чегаралари ҳимоясида ҳушёр турибди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари шахсий таркибини, фахрийларини касб байрами билан чин юракдан табриклайман.

Ўзбекистон Республикаси — мустақил она-Ватанимиз хавфсизлиги йўлидаги жанговар меҳнатда бахт-саодат, фаровонлик, соғ-саломатлик, янги муваффақиятлар ва ютуқлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ
генерал-полковник Р. АҲМЕДОВ.

ПОЗДРАВЛЕНИЕ

МИНИСТРА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ЛИЧНОМУ СОСТАВУ ВОЙСК ПРОТИВОВОЗДУШНОЙ ОБОРОНЫ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

13 апреля в Вооруженных Силах Республики Узбекистан отмечается профессиональный праздник вооруженных защитников воздушных рубежей Родины — День Войск противовоздушной обороны.

Являясь продолжателями славных боевых традиций старших поколений, воины Войск ПВО достойно выполняют свой конституционный долг перед Родиной.

Находясь в едином боевом строю с воинами других видов Вооруженных Сил, личный состав Войск ПВО настойчиво совершенствует боевое мастерство, осваивает сложную боевую технику, бдительно стоит на страже воздушных границ суверенного Узбекистана.

Сердечно поздравляю личный состав, ветеранов Войск ПВО с профессиональным праздником.

Желаю счастья и благополучия, здоровья, новых успехов и достижений в ратном труде во имя безопасности нашей независимой Родины — Республики Узбекистан.

МИНИСТР ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
генерал-полковник Р. АХМЕДОВ.

Охраняя небо Родины

Чествуя защитников воздушных границ Родины, мы отдаем должное тем, кто сейчас у экранов радиолокационных станций, за пультами ракетных комплексов и на командных пунктах несет боевое дежурство по охране воздушных рубежей независимого Узбекистана. В любую погоду, днем и ночью верные Военной присяге, конституционному долгу офицеры, прапорщики, сержанты и солдаты Войск ПВО выполняют боевую задачу, обеспечивая неприкосновенность воздушных границ нашего суверенного государства.

Отмечая профессиональный праздник одного из видов Вооруженных Сил Республики Узбекистан, мы с гордостью говорим о боевых, национальных и исторических традициях нашего народа. Ведь в боевом строю стоят потомки славных воинов великого Амира Темура.

С глубоким удовлетворением восприняли воины итоги экономического и социального развития Республики Узбекистан за 1996 год. Общенациональное и гражданское согласие, мир на нашей древней земле, успехи в проведении кардинальных реформ в экономико-политической и духовной жизни за годы независимости — это результат усилий Президента страны — Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами Узбекистана И. А. Каримова, правительства, всего самоотверженного и трудолюбивого народа. Мы осознаем, что и на нас лежит высокая ответственность защищать это согласие, этот мир, этот созидательный труд.

Отвечая на заботу Президента о развитии и совершенствовании Вооруженных Сил, личный состав Войск противовоздушной обороны прилагает все знания, усилия и практический опыт для успешного выполнения поставленных задач по обеспечению безопасности воздушных границ Родины. Для реализации основных мероприятий по поддержанию высокой боевой готовности Войска ПВО имеют все необходимое. Прежде всего это добротная техническая база, включающая в себя автоматизированные системы управления, современные средства радиолокационного обнаружения, разведки и уничтожения воздушных целей.

Материально-бытовые условия жизни и повседневной деятельности подразделений ПВО позволяют командирам и их заместителям по работе с личным составом качественно заниматься боевой подготовкой, на высоком уровне организовывать и проводить культурный досуг военнослужащих.

Наши военнослужащие имеют возможность овладеть самыми современными специальностями. На их долю выпала нелегкая, но почетная служба. Её основное содержание на современном этапе — совершен-

(Окончание на 2-й стр.).

В СОСТАВЕ СТАРТОВОГО РАСЧЕТА

Одной из самых важных задач, выполняемых воинами-зенитчиками в ходе боевой учебы, является своевременная и качественная подготовка ракет к пуску. Контрольное занятие, проводимое представителями вышестоящего штаба, на котором отрабатывался этот вопрос, вызвало большой интерес у всего личного состава. Борьба за право называться лучшим стартовым расчетом придала контрольным занятиям особый накал.

Как и ожидалось, лучшим по всем показателям оказался стартовый расчет сержанта Т. Хотамова. Это и не удивительно, ведь в его составе такие умелые специалисты, как младшие сержанты А. Абдуазизов, Б. Рахмадалиев и Т. Каримов.

Давней традицией Войск ПВО является умелое действие в составе стартовых расчетов офицеров-зенитчиков. В ходе данных контрольных занятий лучше всех действовал у ракетной установки расчет майора Б. Тешабаева в составе капитана М. Садикова, старших лейтенантов Р. Дадажонова, Б. Дадаханова. Командиры наглядно продемонстрировали, что могут успешно действовать в реальном бою за любой номер расчета.

Высокая слаженность расчетов подразделений противовоздушной обороны — важнейший фактор, определяющий их боевую готовность. Вот почему в ходе зимнего периода обучения в этом подразделении каждый учебный час использовался для повышения мастерства всех категорий военнослужащих. Образцовая выучка расчетов — самая надежная гарантия того, что воины-зенитчики смогут в любой момент отразить внезапное нападение.

К сказанному следует добавить, что незадолго до начала контрольных занятий военнослужащим этого воинского коллектива было вручено Боевое Знамя. В тот день много говорилось о верности лучшим боевым традициям воинов-узбекистанцев и готовности продолжить и умножить их под новым стягом. Перед воинами выступали и убеленные сединой ветераны, и малыши из детского сада. Воины-зенитчики поклялись достойно нести боевую службу под новым Боевым Знаменем, успехами в боевой учебе доказать свою верность делу защиты независимого Узбекистана.

Первые итоги контрольных занятий в части свидетельствуют — свое слово военнослужащие подразделений ПВО держат с честью.

Подполковник
К. ВЛАДИМИРОВ.

САЙЁРАМИЗ АДОСИ

Бугунги кунда Финляндияда телефон алоқаси анча ривожланган соҳалардан бири саналади. «Нокиа» русумидаги уяли телефон Финляндия аҳолисининг ҳар юз кишидан 30 нафарида бор. Бу жаҳон бўйича энг юқори кўрсаткичдир. Мисол учун Америка Қўшма Штатларида ҳар юз кишидан 17 кишида, Японияда эса юztадан 15 та, Буюк Британия ва Италияда ҳар юз кишининг ўнтасида уяли телефон бор.

Исроил ҳукумати 1949 йилда имзоланган Женева конвенциясини «деярли мунтазам равишда» бузмоқда, деб баёнот берди Халқаро Қизил Ҳоч қўмитаси президенти К. Соммаруга. У Қуддуснинг араблар ихтиёридаги қисмида ҳамда айрим бошқа жойларда яҳудийлар учун янги турар жойлар қуриш тўғрисидаги Исроил ҳукумати қарорини уруш вақтида тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисидаги мазкур халқаро ҳужжатга зид эканини айтди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Румния мамлакат армиясини такомиллаштириш борасида Шарқий Европа мамлакатлари ичида «биринчи эшелон»да бормоқда.

Ҳозирги кунда Румния Американиг «Белл хеликоптер текстрон» фирмаси билан ҳамкорликда «Кобра» русумидаги жанговар вертолёт ишлаб чиқариш тўғрисида махсус лойиҳа тузган. Лойиҳа қиймати 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бундан ташқари, Румния билан Франциянинг «Матра» фирмаси ўртасида «Ер-Ер» туркумидаги ракеталарни етказиб бериш тўғрисида ҳам шартнома имзоланган. Армияни замонавий электрон қурилмалар билан таъминлаш бўйича эса мамлакат Германиянинг «Даймлер-Бенц» ва Франциянинг «Томпсон» фирмалари билан ҳамкорлик қилмоқда.

Филиппин ҳукумати мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш мақсадида ҳарбий соҳани ислоҳ этишга қарор қилди. Унга кўра, армия учун энг замонавий ҳарбий техника намуналари харид қилинади ва бунинг ҳисобига ҳарбий хизматчилар сони қисқартирилади.

Ҳозирда Филиппин армиясида 120 минг ҳарбий хизматчи бор. Мутахассисларнинг фикрича, Жануби-шарқий Осиё минтақасидаги бошқа давлатларга нисбатан Филиппин қуролли кучларининг ҳарбий салоҳияти камроқдир. Филиппин ҳукумати билан АҚШ маъмурияти ўртасидаги махсус битимга мувофиқ, Америка Филиппин хавфсизлигини таъминлайди. Мамлакат қуролли кучларини замонавийлаштириш учун махсус лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, уни амалга ошириш учун 12,7 миллиард доллар ажратилган.

Жанубий Африканинг бир гуруҳ олимлари Европа коннотни ўрганиш агентлиги билан ҳамкорликда катта кашфиётни амалга оширди. Улар «Хиппаркос» йўлдоши орқали олинган маълумотларга таяниб, коннотнинг кенглиги ҳозирга қадар тахмин қилиб келинган катталикдан 10 фоиз кенгроқдир, деган фикрга келишди. Олимлар энг олисда жойлашган юлдузларни ўрганиш натижасида коннотнинг нафақат катталиги, балки, унинг ёши ҳақида ҳам аниқ бир тўхтамга келиш мумкин, демоқдалар.

Американлик кинорежиссёр Жорж Лукас суратга олган «Юлдузлараро жанг»» фильми янги таҳрирда Америка кинотеатрлари экранларига чиқарилди ва энг кассабоп кино, деб тан олинди. Ушбу фильм икки ҳафта ичида 77 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад келтиришга муваффақ бўлди. Шундай қилиб, «Юлдузлараро жанг» кинофильмидан олинган умумий фойда 400 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

(ЎзА).

МУСАФФО САМО ҲИМОЯЧИЛАРИ

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари она-Ватанимизнинг само сарҳадларини тун-кун виждонан қўриқлаб, мустақил Ўзбекистонимиз барқарорлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Қуйидаги лавҳада майор Мурот Йўлдошевич Сапаров командирлик қилаётган Ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаси шахсий таркибининг синов машғулотларида қўлга киритаётган ютуқлари, хизмат ва дам олиш шароитлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Катта лейтенант В. Тошхўжаев ва сержант И. Адашалиевлар жанговар навбатчилик пайтида...

...Шинамгина бўлинма ҳудуди синов майдонига айланган. Югуриш йўлакчасида фидойи посбонлар жисмоний тайёргарлик бўйича имтиҳондан ўтаяптилар. Биринчи бўлиб офицер ва прапорщиклар таркиби синалди. Уларнинг эгниларидаги махсус тайёрланган рақамлар, йўлакдардаги белгилар, қоларерса, посбонлар руҳиятидаги кўтаринкилик, диққати жамлик ушбу синов босқичига ҳам пухта ҳозирлик кўрилганидан шоҳидлик берарди.

... 1 рақамли иштирокчи 100 метрлик масофа бўйича югуриб ўтганида текширувчи офицер — майор Улуғбек Рустамбековнинг қўлидаги соат миллари 14 секунд белгида тўхтади.

— Майор Сапаров! 14 секунд! Аъло! — деди текширувчи офицер шахсий таркибга юзланиб.

Посбонлар кайфияти янада кўтарилди. Бўлинма командири эса биринчи бўлиб аъло натижага эришган бўлса-да, унинг бутун диққат-эътибори ўз қўл остидагиларда эди. Ҳа, энг муҳими, ҳар бир посбоннинг юқори кўрсаткични забт эта олишида. Шу туфайли командир текширувчи офицер ёнида туриб, соат милларини ҳаяжон билан назорат қилар, югуриб ўтаётган посбонларга «Бўш келма, тезроқ, тезроқ!» дея далда берарди.

Майор М. Сапаров 3 километрлик масофани 12,33 минут вақт ичида югуриб ўтиб, турникда 20 маротабадан зиёд тортилиб ҳақиқий командир сифатида ўз қўл остидагиларга ўрнак кўрсатди. Бундан янада шаштлари кўтарилган офицер ва прапорщиклар, сержант ва оддий аскарлар бутун имкониятларини ишга солиб, фақат «аъло» ва «яхши» баҳо учун курашдилар.

Жумладан, лейтенант У. Аллаёров, сержантлар А. Саидқулов, Д. Қаҳҳоров, И. Адашалиев, оддий аскарлар — Р. Соипов, А. Ҳолбоев, А. Орзиқулов, Ж. Ҳакимов, А. Жўраев, Б. Мирзаевлар аъло баҳо олдилар. Айниқса, оддий аскар А. Жўраев ўзининг жисмоний тайёргарлиги билан текширувчи офицерни ҳам лол қолдирди. Турникда 35 маротаба тортилиб, мутлоқ натижага

(Давоми 2-бетда).

ОРЗУИМ РУЁБГА ЧИҚСА...

Мен йигитлик бурчимни ўташни Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларида бошладим. Жанговар тайёргарлик, ўқув машғулотлари давомида менинг ҳарбий хизматга бўлган ҳавасим янада ортди.

Яқинда яхши ҳулқим, топшириқларни намунали бажарганим учун ота-онам багрига таътилга бориб келдим. Таътил пайти ота-онамга офицер бўлиш ҳоҳишимни билдирдим. Улар тилагимнинг рўёбга чиқишига умидвор бўлиб, оқ фотиҳа беришди. Ҳозир олий ҳарбий билим юртига кириш учун ҳужжатларимни тайёрлаяпман. Орзуимга эришиш учун қунт, сабот, мустаҳкам ирода билан ҳаракат қиламан.

Оддий аскар
Рустамжон СОЛИЖОНОВ.

Охраняя небо Родины

(Окончание. Начало на 1-й стр.)

ствование системы противовоздушной обороны, освоение сложной радиоэлектронной техники и современного ракетного вооружения. Благодаря неустанной, целеустремленной деятельности офицеров, прапорщиков организуется боевая подготовка, изучается современная боевая техника и вооружение. Это их кропотливая воспитательная работа создает здоровую морально-нравственную атмосферу в воинских коллективах, формирует у сержантов и солдат качества, необходимые вооруженным защитникам Родины, — преданность своему народу, верность Военной присяге и воинскому долгу, высокое профессиональное мастерство.

Конечно, имеются и проблемы в Войсках ПВО. Офицеры, прапорщики, сержанты и солдаты в большинстве своем ясно видят причины недостатков, постоянно ищут и находят пути их устранения.

Сегодня мы с гордостью говорим о передовых коллективах, где личный состав добился высоких практических результатов в боевой, общественно-политической подготовке, в поддержании твердого уставного порядка. Это хорошо известные в Войсках ПВО части и подразделения, которыми командуют офицеры А. Джабаров, Э. Юсупов, Р. Азизов, В. Кожухов и другие.

Благодаря им Войска ПВО выступают одним из реально действующих факторов, качественно новой структурой в общей системе оборонительной Военной доктрины независимого Узбекистана.

Генерал-майор авиации Т. ЮСУПОВ, заместитель Министра обороны — командующий Войсками ПВО Вооруженных Сил Республики Узбекистан.

ИЗЛАНИШ САМАРА БЕРАДИ

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига қарашли бўлинмамиз посбонлари берилган ҳар бир жанговар топшириқни аъло даражада бажаришаётир. Бу борада посбонларга ўз тажрибаларидан ўргатиб, йўл-йўриқ кўрсатаётган капитан И. Саидвалиев, взвод командири катта лейтенант З. Ибрагимовларнинг номларини алоҳида тилга олгинг келади.

Айтиш лозимки, бўлинмамиз шахсий таркиби юқори даражадаги жанговар тайёргарлиги, намунали ҳарбий интизоми билан бошқа бўлинмалардан ажралиб туради. Шу сабабли бўлинма қисмдаги энг илғор ҳарбий жамоалардандир.

Шахсий таркиб билан ишлаш бўйича командир ўринбосари катта лейтенант Н. Акрамовнинг ижтимоий-сиёсий, тарбиявий машғулотлари биз посбонларни аҳлан баркамоллаштирмоқда. Посбонларга мўлжалланган ўқув, ижтимоий-сиёсий машғулотлар хоналари ўзининг шинамлиги, ўқув қуроллари билан қишида катта қизиқиш уйғотади.

Дам олиш кунлари қисмимизда турли хил спорт мусобақалари, концерт, кино уюштирилади.

Бўлинмамиз жамоаси қишки ўқув мавсумининг якуний машғулотларида ўз маҳоратини кўрсатиши ҳҳм қўшинлари кунига ажойиб совға бўлди. Дастлабки синов пайтида кичик сержант Қ. Ўрмонов етакчилик қилаётган бўлинма аскарлари ўзларининг жанговар шайлиги, жисмоний ва ижтимоий-сиёсий машғулотлари бўйича пухта тайёргарлик кўрганликларини намоён этишди. Оддий аскарлар — Б. Қўлдошев, З. Тожалиев, О. Топилов, Н. Хотамовларга қишки ўқув мавсуми машғулотларига яхши тайёргарлик кўрганликлари учун командирлари томонидан миннатдорчилик эълон қилинди.

Мен бўлинмамиз номидан мусаффо осмонимиз ҳимоячиларини байрам билан табриклаб, уларга ҳаво чегараларимизда ҳушёрликни, сергакликни янада оширишларини тилайман.

Сержант Т. ИБРОҲИМОВ.

ГЛАВНОЕ—КАЧЕСТВЕННАЯ ПОДГОТОВКА

Подразделения Войск противовоздушной обороны оснащены самой современной военной техникой, требующей от военнослужащих твердых знаний и высокого профессионализма. Среди тех, кто в ходе зимнего периода обучения отличался в ходе несения боевого дежурства, значительно повысил уровень своей специальной подготовки в нашем коллективе, называют капитана А. Бахматова, лейтенанта В. Хайдарова, прапорщика Н. Мансурова, рядовых А. Таштемирова, Н. Нурманходжаева.

В эти дни в связи с предстоящим увольнением в запас наиболее опытных специалистов идет интенсивная подготовка недавно начавших воинскую службу солдат и сержантов. Каждый из них должен получить допуск на самостоятельное несение боевого дежурства. Это очень важный этап в жизни каждого воина ПВО. Допуск — не только признание высокого уровня подготовки солдата как специалиста, но и предоставление права охранять воздушные рубежи родной страны, права принимать самостоятельные решения, нести ответственность за мирное небо над Узбекистаном.

Лейтенант К. ФЕДОСЕЕВ.

ВАЖНОЕ СРЕДСТВО ВОСПИТАНИЯ

С радостью узнали военнослужащие подразделения, которым командует офицер А. Халилов, что у них будет штатный духовой оркестр. С радостью — потому, что духовая музыка и военные марши не только поднимают настроение и украшают воинские ритуалы, но и сплачивают воинов, пробуждают в их душе высокие патриотические чувства, гордость за принадлежность к Вооруженным Силам Республики Узбекистан.

Формирование военного оркестра началось не на пустом месте. У военнослужащих подразделений ПВО за годы независимости появилось немало известных самодеятельных музыкальных коллективов. Так, старший прапорщик К. Таджинуров, руководитель самодеятельного ансамбля «Регистан», уже дважды был в числе лауреатов фестивалей солдатской песни. Очень популярны как среди военнослужащих ПВО, так и среди гражданского населения прилегающих к военным городкам населенных пунктов такие ансамбли, как «Ватан», «Хумо» и многие другие.

Энтузиаст солдатской песни прапорщик А. Лин проделал огромную работу по созданию в своем подразделении самодеятельной вокально-инструментальной группы. Большую помощь в организации самодеятельного песенного творчества оказывают активистам майор Т. Агзамов, в материальном обеспечении, экипировке и размещении — майор Г. Данаев.

Благодаря введению в штат подразделения духового оркестра художественная самодеятельность во всех коллективах станет еще более массовой. О важности культурного, эстетического духовно-нравственного воспитания военнослужащих сегодня говорить много не надо — это понимает каждый, кто знает жизнь военнослужащих отдаленных гарнизонов. Военный духовой оркестр уже с первых дней своего существования становится важнейшим элементом этого воспитания. Когда над плацем гремит военная музыка, она проникает до самых глубин души военнослужащего, пробуждает в нем самые высокие чувства, а значит, учебно-боевые задачи решаются легче и служба проходит веселей.

Майор А. АҲМЕДОВ.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

МУСАФФО САМО ҲИМОЯЧИЛАРИ

эришди. Ушбу синовнинг ҳар учала босқичида аъло натижани қўлга киритган сержант Д. Қаҳҳоров учун эса синов машғулотлари якунлангач, уйига қисқа муддатли дам олиш таътили нақд қилиб қўйилди.

Навбатдаги синов машғулоти ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича ўтказилди. Бунда Ҳаво ҳужумидан мудофаа жангчилари кенг дунёқарашли, бой билим ва даврг билан ҳамнафасликларини ёркин намоён этдилар. Синовда берилган мустақил Ўзбекистонимизнинг тарихи ва ҳозирда амалга оширилаётган иқтисодий-сиёсий, шунингдек, ижтимоий тадбирлар хусусидаги саволларга посбонлар лўнда ва аниқ жавоб қайтардилар.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига боғлиқ Қонунлар, Ҳарбий Доктрина ва бошқалар ҳақида ҳам шахсий таркиб тўла маълумотга эга эканлигини исботлади. Таъкидлаб ўтиш жоиз, саволжавоблар чоғида атроф-лича изоҳларга ҳам кенг ўрин берилди. Масалан, Ўзбекистонимизда рўй бераётган ижобий ўсишлар, ҳозирги даврда Қуролли Кучларнинг аҳамияти каби мавзулар бўйича фикр билдираётган посбонлар ўз жавобларида маънавий факторларга ҳам алоҳида аҳамият қаратдилар. Она-Ватанга хизмат муқаддас бурч эканлиги, уни виждонан адо этмоқлик зарурлиги ҳақида таъкидладилар. Хулоса қилиб айтганда, ушбу синов машғулоти шахсий таркибнинг нафақат бой билимли, шунингдек, юксак маънавиятлилигини ҳам намоён этди. Прапорщик М. Утемуродов, сержант С. Солиев, оддий аскар Д. Қаҳҳоровларнинг жаваблари энг юқори баҳоланди. Ҳар бир посбоннинг конспект дафтар тутганлиги, унда ҳар бир мавзу атрофлича ўзлаштирилиги ҳам алоҳида қайд этилди.

Синов машғулотлари тобора мураккаблаша борди. Қатор касбий тайёргарлик бўйича ўтказилган имтиҳонларда ҳам майор Мурот Сапаров етакчилигидаги аҳил жамоа бир тану бир жон бўлиб, фақат юқори кўрсаткич учун интилдилар.

Бу орада эса жанговар навбатчилик бир сония бўлса-да сусайгани йўқ. Радиолокация комплекси бошлиғи катта лейтенант Боҳид Тошхўжаев қўл остидаги посбонлар белгиланган вазифани пухталик билан бажардилар. Айниқса, взвод бўлинмаси командири катта оператор сержант Илҳом Адашалиев жанговар навбатчиликни юқори савияда адо этиб келяпти. Пухта касбий тайёргарликка эга кичик командир оддий аскарларнинг билим ва малакаларини янада мукаммаллаштиришда ҳам астойдил бош-қош бўлмоқда. Чунончи, оддий аскарлар — Зиёдилла Тўлаганов, Бахтиёр Мамахоновларнинг операторлик сир-синоатларини пухта эгаллаб олишларида катта кўмак берди. Натижада, касбий тайёргарлик бўйича ўтказилган синов машғулотларида ушбу оддий аскарлар ҳам яхши баҳо олишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, катта сержант Фарҳод Каримов, оддий аскарлар Аъзам Исроилов, Баҳодир Нурматовлар тайёргарлиги ҳам юқори баҳоланди.

Синов машғулотлари якунлари масъул мутасаддилар томонидан ҳали чуқур таҳлил этилади. Зарур хулосалар, йўл-йўриқлар белгилаб олинади. Ҳозирда шуни айтиш мумкинки, эришилган ютуқлар бутун ўқув мавсуми давомида олиб борилган режали ишларнинг ҳосиласидир. Зеро, кўзланган мақсад бир кунда эмас, ойлаб, йиллаб амалга оширилган фидойи меҳнат, юксак масъулиятлилик эвазига қўлга киритилади. Шу туфайли ҳам у ёки бу синов машғулотида «аъло» ва «яхши» баҳо олган посбоннинг чеҳрасидан улкан меҳнатнинг роҳат аломатлари уфурарди.

Мазкур қисмда жорий йил баҳорги чақириқда бўлинмалар сафига келиб қўшилажак янги аскарлар учун ҳам барча шарт-шароитлар муҳайё этилганлиги янада қувонарлидир. Казармалар тўла таъмирланган, унинг атрофлари яна ҳам ободонлаштирилган. Чунончи, мевали кўчатлар ўтқазилди. Ҳар бир келажак аскар учун янги ҳарбий кийим, кундалик эҳтиёжи учун зарур барча нарсалар бисёр.

— Ушбу синов машғулотларида аъло баҳо олган етакчи посбонларимиз муносиб рағбатлантирилади,— дейди майор Мурот Сапаров. — Ҳарбий хизматлари ниҳоясига етган аскарларимиз эса тантанали равишда уйларига кузатилади. Эсдалик совғалари топширилади, Миннатдорчилик эълон қилинади.

Умуман, юксак тартиб-интизомлилик, ўзаро ҳурмат-эътиборлилик, аҳиллик ва дўстлик ушбу жамоада ҳам муқим ўрин эгаллаган. Бу эса масъулиятли хизматдаги барча топшириқ ва вазифаларни намунали адо этишда асосий негизлардан бири бўлмоқда.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ўз касбий байрамларини синов машғулотларидаги аъло натижалари билан кутиб олмоқда. Доимий жанговар навбатчиликда ҳушёр туриб, она-Ватанимиз тинч осмонини кўз қорачиғидай ҳимоя қилаётган фидойи посбонларга энг эзгу тилакларимизни билдирамиз.

Янада улкан муваффақиятлар ёр бўлсин, азиз само сарҳадлари ҳимоячилари!

Катта лейтенант Шуҳрат ИКРОМОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

Ж. НУРАБУЛЛАЕВ суратлари.

Катта лейтенант В. Тошхўжаев сержант Р. Абдувалиевга вазифа топшириммоқда...

Майор М. Сапаров жанговар кўрсатмалар бермоқда...

ТАЙЕРГАРЛИК АВЖИДА

13 апрель — Ҳаво ҳужумидан мудофаа (ҲҲМ) қўшинларининг байрам куни-дир. Мана мен ҲҲМ қўшинида бир йилдан буён хизмат қиламан. Бу ерда хизмат қилаётганимдан жуда фахрланаман. Чунки ҲҲМ қўшини мустақил Ўзбекистон Республикаси осмонининг мусаффолигини таъминловчи кучдир. Менинг вазифам келаётган ахборотларни ўз вақтида командирларга етказиш.

Бизнинг бўлинма аскарлари ҳам ҳозирда қишки ўқув мавсумининг синов машғулотларига астойдил тайёргарлик кўришганини намоён этишмоқда. Хизматим мобайнида мен ўзимга жуда кўп дўстлар орттирдим. Фурсатдан фойдаланиб, барча офицерларни, аскарларни Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни билан чин юракдан табриклайман.

Оддий аскар А. БЕКМУРОДОВ.

ШИЖОАТЛИ КИЧИК КОМАНДИР

Маҳмуд Бекмирзаев Ўзбекистон Қуролли Кучлари Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларида хизмат қилиш нечоғлик масъулиятли эканлигини тез англаб етди. Шу боис командирларининг топшириқларини шараф билан бажарар, бундан ўртоқлари ва ҳарбий жамоа орасида ҳурмат, обрўси ошиб борарди.

М. Бекмирзаевнинг ҳарбий хизматдаги тиришқоқлиги, интилиши зое кетмади. У тез орада бўлинма командири бўлди ва кичик сержант унвонига лойиқ топилди. Энди кичик командир нафақат ўзининг, балки қўл остидагиларнинг ҳам ҳарбий таълими, тарбияси ва интизомига жавоб бериш масъулиятини зиммасига олганди. У аскарларни билимли, намунали, бир-бирига ҳурмат-иззатли ва юқори жанговар тайёргарликка эга посбон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади.

Якинда бўлинма командири М. Бекмирзаевнинг унвони яна бир погона ошди. У сержант унвонига сазовор бўлди.

Командирларининг яқин ёрдамчиси бўлган сержант М. Бекмирзаевнинг ота-онасига ўғилларининг ҳарбий бурчини намунали адо этаётгани ва рағбатлантиришлар олаётганлиги тўғрисида хабар берилди. У таҳсил олган мактаб жамоасига ҳам раҳматнома жўнатилди.

Ҳарбий хизмати охирлаб бораётган сержант М. Бекмирзаев сўҳбат чоғида, она-Ватан олдидаги муқаддас бурчини охиригача намунали адо этиб, қишки ўқув мавсуми синовларини тўла муваффақиятли топширишини таъкидлади.

Капитан Ш. МИРЗАЕВ.

ОСМОНИМИЗ МУСАФФОЛИГИ УЧУН

Жанговар навбатчилик хизматимизнинг асосини ташкил этади. Кун сайин биз ўз маҳоратимизни ошириб, мураккаб ҳарбий техника сирларини ўрганмоқдамиз. Оддий аскарлар — А. Тўйчиев, А. Тенюх, И. Нуралиев, М. Эгамбердиевлар хизматдошларимиз орасида ўзининг зукколиги, зийраклиги билан ажралиб туришади. Қишки ўқув мавсумини ҳам юқори кўрсаткичлар билан якунлашга ҳаракат қилаётган жанговар бўлинмамиз ўзининг бутун кучғайратини Қуролли Кучларимиз қудратини оширишга сарфлайди.

Яқинлашиб келаётган байрамимиз — Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни бизни янада кўтаринкликка ундайди.

Оддий аскар Т. САИДАҲМЕДОВ.

МУНОСИБ СОВҒА БИЛАН

Ҳар бир соғлом-бақувват йигит учун ўз она-Ватанини ҳимоя қилишдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Шахсан мен мустақил давлатимизга посбонлик қилаётганлигимдан беҳад мамнунман. Ўзбекистонимизнинг ҳудудий яхлитлигини, халқимиз тинч-осойишталигини сақлаш йўлида бор куч-қувватимни аямай хизмат қиламан.

Тўғри, бунинг учун фақат хоҳишнинг ўзигина камлик қилади. Чунки жисмонан чиниққан, қудратли жанговар техника ва қурол-яроғлар сир-асрорларини мукаммал эгаллаган аскаргина ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўла олади. Мен ҳам, республикамизнинг турли вилоятларидан келишган садафдошларим ҳам буни тушунган ҳолда қишки мавсум ўқув-машғулотларининг якуний синовида муваффақиятли қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритаяпмиз.

Бўлинмамиз посбонлари касбий байрам — Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари кунини намунали ҳарбий интизом ва жанговар тайёргарликдаги аъло ютуқлар билан кутиб олмоқдалар. Жанговар, ижтимоий-сиёсий ва бошқа тайёргарликларда эришаётган муваффақиятларимиз ушбу байрамга бизнинг совғамиз бўлади.

Кичик сержант А. РАҲМОНОВ.

В БОЙ ВСТУПЯТ ПЕРВЫМИ

Будучи одним из основных видов Вооруженных Сил, Войска ПВО вносят весомый вклад в дело обороноспособности Узбекистана. Постоянная высокая боевая готовность — закон жизни воинов-зенитчиков. Дежурные смены подразделений ПВО находятся на переднем крае обороны воздушных рубежей государства, они всегда должны быть готовыми первыми противодействовать внезапной агрессии или возможной провокации.

Среди тех, кто в нашем коллективе добросовестно выполняет свой воинский долг, прилагает все силы для обучения и воспитания личного состава, следует назвать капитана И. Сантволдиева, старших лейтенантов А. Мамажанова и З. Ибрагимова. Благодаря их напряженному труду подчиненные им военнослужащие показывают на итоговой проверке за зимний период обучения высокое воинское мастерство, хорошие знания и навыки, отличаются высокой воинской дисциплиной. А все это — надежная гарантия безопасности наших воздушных рубежей.

Е. ИНОЗЕМЦЕВ.

С новых огневых позиций

Когда в подразделении противовоздушной обороны звучит сигнал боевой тревоги, первым, как обычно, включается в работу расчет командного пункта. Проходят считанные секунды, а уже засветились контрольные табло, начали свой мерный бег развертки индикаторов. Все больше отметок появляется на них. «Противник» настойчиво рвется к обороняемому объекту. Цели маневрируют, резко меняя курс и высоту, ставят интенсивные помехи.

Воздушная обстановка усложняется. Нервы у всех напряжены. Но расчеты работают точно, команды выполняются быстро и безошибочно...

Это обычный эпизод боевой учебы воинов-зенитчиков, которые несут боевое дежурство. Привычная тактическая обстановка, известная с первых дней службы, неоднократно отработанные вводные... А если необходимо действовать на совершенно новом, непривычном месте?

Тактические учения подразделения, которым командует майор М. Исмаилов, начались с неожиданной вводной: немедленно свернуть всю боевую технику и, совершив многокилометровый марш, передислоцироваться в указанный район, где быть готовыми к отражению нападения условного противника.

Построение личного состава заняло буквально несколько минут. Поставлены задачи офицерам, командиры расчетов уточнили свои действия, и вот уже на позициях закипела работа...

На самом ответственном участке находился капитан Ф. Закиров. Вместе с начальником расчета старшим лейтенантом А. Гульматовым он занимался перемещением радиолокационной станции.

Впоследствии посредники отметили умелые действия личного состава автомобилистов подразделения лейтенанта Р. Арипова. Наиболее сложными были задачи водителей рядовых А. Кулдабаева и В. Горелова. На своих большегрузных автомобилях им было необходимо аккуратно и в то же время быстро доставить многотонный груз с ценной аппаратурой к новому месту дислокации.

Старший прапорщик Г. Раззаков, один из самых опытных прапорщиков части, вместе с подчиненными обеспечивал несение службы регулировщиков. Возглавлял колонну начальник автослужбы майор И. Худайназаров, а замыкал автомобиль, который вел сержант Т. Атаев. Только самому опытному специалисту доверяется ехать последним. Именно он должен уметь оказать помощь любой отставшей машине и обеспечить своевременное её прибытие в заданный район.

Последние машины еще только подъезжали к указанной точке, а офицеры капитан А. Агапов и лейтенант К. Касымов уже давали указания подчиненным по развертыванию техники на новых огневых позициях и их инженерному оборудованию. Самое главное — это оперативно проверить работоспособность всех систем и агрегатов, ведь техника прошла марш...

В распоряжении воинов ПВО было не так уж много времени. Вскоре от посредников начали поступать вводные о появлении низколетящих целей. Благодаря своевременно организованной разведке майор М. Исмаилов своевременно обнаружил первые цели и сумел их «уничтожить» с первых залпов.

Более десяти различных задач пришлось решать в ходе учений воинам-зенитчикам. Отражение нападения разведывательно-диверсионной группы «противника», применение им оружия массового поражения, отыскание и уничтожение с брошенных с самолетов «противника» разведывательных станций...

Главная задача учений — обучение личного состава навыкам действий в отражении внезапного нападения воздушного противника, в условиях постановки радиотехнических помех — после совершения передислокации в указанный район была выполнена успешно. Однако, анализируя итоги учений, посредники и проверяющие выявили и ряд недостатков в работе личного состава. Так, например, необходимо в ходе боевой учебы больше внимания уделять отработке слаженных действий боевых расчетов, вырабатывать у воинов-зенитчиков умение проявлять инициативу. Воспитывать у них уверенность в своих действиях.

Подполковник В. КАЛОШИН.

1990 йил Ҳаво ҳужумидан мудофаа зенитчи-ракетачи командирлари олий билим юртини муваффақиятли тамомлаган капитан Зокир Исоқович Ортиқов ҳозирда мустақил она-Ватанимиз само чегараларини шараф билан ҳимоя қилиб келяпти. Етук малакали мутахассис ўз қўл остидагиларнинг касб маҳоратларини янада мукаммаллаштириш йўлида астойдил жонбозлик кўрсатаётир.

Капитан З. Ортиқов етакчилигидаги шахсий таркиб ҳам қишки ўқув мавсумининг синов машғулотларида юқори кўрсаткичларни забт этаяпти. Жумладан, само соқчилари ижтимоий-сиёсий, сафда юриш ва касб тайёргарликлари бўйича яхши натижаларга қўлга киритдилар.

Суратда: Капитан З. Ортиқов расчёт номери оддий аскар Г. Йўлдошевга кўрсатма бераётир...

А. ЭШБОЕВ суратга олган.

ҮЗГАЧА РУҲ БАҒИШЛАЙДИ

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинларига қарашли бўлинмамизда бизнинг жанговар навбатчиликдан бўш пайтларда кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шароитлар яратиб берилган. Капитан И. Ширинов раҳбарлик қилаётган волейбол ва баскетбол секциялари ўз самарасини бермоқда.

Бундан ташқари теннис, тош кўтариш машғулотлари ҳам жадал суръатда ўтказилмоқда. Мен хизматдош дўстларим оддий аскарлар — Ш. Жабборов, М. Мухсинов, Х. Юсупов, З. Асатуллаевлар билан доимо бу янглиг спорт, маданий тадбирлардан кейин ўзгача бир руҳда жанговар топшириқни бажаришга отланамиз.

Оддий аскар Жаҳонгир ИБРОҲИМОВ.

ОСМОН ФАРЗАНДИ

Бу қорачадан келган, баланд бўйли йигит «темиркуш»ни миниб олиб, осмонда чарх уриб айланмайди. Қорли чўққиларга чиқиб, булутларга ҳам суяниб юрмайди. Хизмат жойи ҳув-в пастда. Шундоққина сининг устида. Фақат у командирлик қилаётган бўлинма йигитлари юртимиз осмонини муҳофаза, назорат қилиб, ҳар қандай фавқулодда воқеа-ҳодисаларнинг олдини олишга ҳозир туришади. Ҳаво сарҳадларининг даҳлсизлигини таъминлашади. Кечаю кундуз «нигоҳ»лари осмонда. Шунинг учун навбатчиликдан сўнггина «ерга тушишади». Оёқлари «ердан узилган» бу йигитларни осмон фарзандлари десак тўғрироқ бўлади. Сардорни эса шак-шубҳасиз.

Капитан Жўра Азизов асли чегара шаҳри Термиздан. Қўпчилик қўшнилари ҳарбий бўлгани туфайли уларнинг беҳаловат ҳаёт тарзи юзаки бўлса ҳам унга болаликдан таниш эди. Ким билади, дейсиз, балки касб танлашда шунинг таъсири бўлгандир. Балки, кўпчилик болалар, ҳатто, катталарнинг уларга ҳурмат билан қараганлари дилида ҳарбийликка ҳавас уйғотгандир. Бу нарса унга эсида йўқ. Бироқ, эсини таниганидан бери ҳеч кимга айтмаса ҳам ичида офицер бўлишни орзу қилиб юрарди.

Кунлардан бир куни мақсадини дадасига айтди. Оддий ҳайдовчи бўлиб ишлайдиган Сафар ака «э, қўйсанг нима қиласан» демади, қайтага суюнди: «Жуда яхши ўйлабсан, ўғлим. Агар ҳарбий бўлсанг, бир касб эмас, минг касбга эга бўласан».

Отасининг далдасидан руҳланган йигит 8-синфни аъло баҳолар билан тамомлаб, Самарқанд ҳарбий лицейига ўқишга кирди. Ўша пайтларда десантчи бўламан, деб ўйларди. Лекин кейинчалик қудратли ракеталарга бўлган қизиқиши уни Ярославль зенитчи-ракетачи командирлар олий билим юртига етаклаб келди. 1993 йили билим юртини муваффақиятли тугатгандан сўнг қанот боғлаб қадрдон Ўзбекистонига учиб келди. Ёш офицерларни подполковник В. Кожухов командирлик қилаётган қисмга юборишди. Нқтидори, интизоми, ташкилотчилиги, аскарлар билан яхши ишлай олиши, уларнинг руҳиятини яхши билгани учун ҳам қисқа вақт ичида командирларнинг меҳрини қозонди. Унга батарея командири ўринбосари, сўнг батарея командири лавозимларини ишониб топширишди. Ишончни оқлади. 1995 йили эса яна юқори лавозимга — дивизион командирлигига лойиқ деб топишди. Аъло хизматлари учун муддатдан олдин «капитан» унвонини ҳам беришди.

Меҳрибон, ўз билганларини эринмасдан ўргатадиган командири аскар йигитлар ҳам жуда ҳурмат қилишади. Унга хизматларини тугатиб кетган Андижон, Тошкент, Жиззах, қорақалпоғистонлик собиқ аскарлардан мактублар келиб туради. Якинда қашқадарёлик йигит кўришга ҳам келди. Дивизионда ўзаро ишонч, ҳамкорлик, якдиллик ҳукм сураётганига фақат хизматнинг ўзига хослиги эмас, балки командирнинг шахсий таркиб билан тинимсиз ишлаши, ҳар кимни ўз ўрнига қўя олиши, қоласа, барча масъулиятни юракдан ҳис қилиши ҳам катта таъсир кўрсатмоқда.

У ўз қўл остидаги офицер ва аскарларга жуда ҳам ишонади. Улардан кўнгли тўқ. Улар ҳар қандай шароитда ҳам ўзларини йўқотмай, тегишли вазифани уддалашларига шубҳа қилмайди. Катта лейтенантлар К. Жабборов, Ҳ. Азизов, сержант Д. Убайдуллаевларни энг якин ёрдамчилари деб биладди.

Ҳўш, мақоламиз қаҳрамони капитан Жўра Азизов тўғрисида яна нима дейиш мумкин... Бўш пайтларида дарҳол телевизорнинг олдига келади. Айниқса, хабарлар, енгил янгиликлар, дунё воқеаларини қолдирмасдан кўриб боришга ҳаракат қилади. Аммо, бу истак (хизматчилик деганларидек) ҳар доим ҳам амалга ошавермайди.

Уйланган, ёш оила илк фарзандини кутишяпти. Якинда командирнинг «осмондан тушиши»ни икки одам интизорлик билан кута бошлайди...

Катта лейтенант М. БОБОЖОНОВ.

● ЗАМЕТКИ ПУБЛИЦИСТА

ВИЗИТ, ЗАЛОЖИВШИЙ ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ВСЕСТОРОННЕГО СОТРУДНИЧЕСТВА

Завершился первый визит главы нашего государства на землю древней Эллады — в Грецию, страну, имеющую не только богатые исторические традиции, но и высокий современный уровень развития экономики. Этот визит, как подчеркнул Президент Ислам Каримов, полностью отвечает интересам обеих сторон. Для расширения связей между нашими странами в экономической и культурной сферах еще есть очень большие возможности.

О Греции мы наслышаны немало. Можно смело сказать, что древняя Греция— колыбель мировой цивилизации. Ее богатое историческое наследие связано с именами таких мыслителей, как Пифагор, Аристотель, Сократ, Гомер. Ее история связана и с именем одного из величайших полководцев мира — Александром Македонским. С понятием «Греция» ассоциируется античный мир, искусство и культура древней Эллады. Наконец, открытость души греков, их прагматизм и творчество мысли. Нельзя сказать, что история всегда благоволила к нуждам греков. Было в их историческом развитии немало зигзагов, взлетов и падений, войн против захватчиков и борьбы за суверенитет страны. Но на всех этапах истории она всегда оставалась Грецией.

Между Узбекистаном и Грецией существуют давние связи. История их зарождения уходит в глубину веков. Современные официальные отношения были установлены в 1992 году, и за последующие годы Узбекистан посетили три правительственные делегации Греции.

В расширении сотрудничества заинтересованы обе стороны. Для Узбекистана Греция — это государство, входящее в Европейский союз, в такую организацию, как Черноморское экономическое сотрудничество, а также в НАТО. Другими словами, сотрудничество с Грецией — это один из путей интеграции Узбекистана в европейское и мировое сообщество. В то же время Греция — это и передовые технологии в ряде отраслей экономики, в сельском хозяйстве, и опыт организации инфраструктуры туризма, который только в прошлом году принес стране прибыль в сумме 4,1 миллиарда долларов.

В развитии взаимовыгодных связей с Узбекистаном заинтересована и Греция. Поскольку наша страна занимает важное географическое положение в Центральной Азии, она может служить мостом для развития отношений Греции со странами не только Центральноазиатского региона, но и Востока. В Узбекистане царят мир и стабильность, созданы хорошие условия для иностранных предпринимателей. Кроме того, в Узбекистане проживает немало греков. Этот фактор тоже является очень важным для укрепления дружбы между двумя странами.

В настоящее время в Узбекистане действуют более десяти узбекско-греческих совместных предприятий. Сфера их деятельности — производство меховых изделий, молочной продукции, переработка сельхозпродукции, поставка строительных материалов. Растет число чисто греческих предприятий, среди которых «Ранксил—Ташкент», фирма «Омега Кроун», «Никос Агро», «Афсико» и другие. Проблемы расширения сотрудничества широко обсуждались в ходе бесед Президента Узбекистана Ислама Каримова с Президентом Греции Константином Стефанопулосом, а также Премьер-министром Константином Симитисом. По завершении бесед президенты двух стран подписали Договор о дружбе и сотрудничестве между Республикой Узбекистан и Греческой Республикой. Говоря о значении этого документа, следует подчеркнуть, что он заложил прочные правовые основы для развития дружественных отношений между двумя странами во всех сферах сотрудничества.

Между Узбекистаном и Грецией были подписаны также Конвенция об избежании двойного налогообложения в отношении налогов на доход и имущество, Соглашение о поощрении и взаимной защите инвестиций, об экономическом и технологическом сотрудничестве, о сотрудничестве в области образования, науки, и культуры, о сотрудничестве в области туризма, а также Протокол о сотрудничестве между министерствами иностранных дел обоих государств.

Но и это не все. В ходе визита были подписаны также Меморандум о сотрудничестве между Министерством внешнеэкономических связей Узбекистана и Министерством внешней торговли Греции, Протокол о взаимопонимании между Министерством ВЭС Узбекистана и Морским торговым флотом Греции, документ о сотрудничестве между национальной компанией «Узбектуризм» и туристическими фирмами Греции «Амфитрион», «Платинитревал» и «Лелакис групп».

В ходе визита Ислам Каримов ознакомился с АО «Элаис» в Афинах. Это крупнейшее предприятие не только в Греции, но и во всей Западной Европе занимается производством оливкового масла и маргарина по самой передовой технологии. Глава нашего государства проявил большой интерес к его современной технологии и высказал мысль об открытии в Узбекистане фирменного магазина «Элаис» и о возможности строительства завода с такой технологией, а также производства нового продукта на основе соединения богатого витаминами оливкового масла с хлопковым маслом. Руководство «Элаис» изъявило желание подготовить соответствующие предложения в этом плане.

На завершающем этапе визита состоялась встреча Президента И. А. Каримова с Председателем парламента Греции Апостолосом Какламанисом. Состоялась также встреча главы нашего государства в Торгово-промышленной палате Греции с греческими бизнесменами. Президент подробно рассказал им о широких возможностях, которые предоставляет Узбекистан иностранным бизнесменам, о гарантиях, соответствующих мировым стандартам, об огромных возможностях взаимовыгодного сотрудничества.

Официальный визит главы нашего государства в Грецию, несомненно, стал значительным событием не только во взаимоотношениях двух стран. Он еще раз продемонстрировал миру, что Узбекистан располагает огромными потенциальными возможностями и неисчерпаемыми ресурсами для расширения взаимовыгодных связей, еще раз подчеркнул, что в нашей стране надежно защищены интересы иностранных инвесторов и предпринимателей, что Узбекистан — верный партнер.

А. ХЛЫЗОВ.

● ТЕХАСДАН ХАБАР

„ЎЗБЕКЛАР ТИЛНИ ТЕЗ ЎРГАНИШАР ЭКАН“

Билмадим, бундан бир неча йиллар илгари, ҳозир биз — ўзбек ҳарбийлари тил ўрганишаётган Лакланд ҳарбий аэробазасининг инглиз тили мактабига ўзбекистонликларнинг қадами текканми, йўқми, бироқ шуни яхши биламан, Мустақиллик бизни дунёга чиқарди. Истиқлол туфайли биз бугун бу ерларда юрибмиз. Ўз Ватанимизга кундан-кунга муҳаббатимиз ортаяпти. Мустақилликнинг буюк неъмат эканлигини янада чуқурроқ англамоқдамиз.

Баъзи маълумотларни қайд этмоқчиман. Балки қулоғингизга чалингандир, балки эшитмагандирсиз. Нима бўлганда ҳам мен ўша рақамларни қайд этмоқчиман.

АҚШда 50 та штат бор. Техас шулардан бири. Ҳудудининг катталиги, аҳолисининг сони жиҳатидан юқори ўринларда туради. Бу ерда 12 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилади. Агар Ўзбекистон билан таққосласак, далалари Қашқадарё далаларига ўхшайди. Тўртта катта шаҳарлари бор: Остин, Даллас, Хьюстон, Сан-Антонио.

Биз истиқомат қилиб турган Сан-Антониога келсак шаҳар жуда замонавий. Бу шаҳарда 1 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилади. Аҳолисининг 50 фоизидан кўпроғи испан тилида сўзлашади. Ўзбекистонлик Музаффар Мадраҳимов бир дўконда испанча сўзлашган эди, шу ердагилар жуда хурсанд бўлишди. Демак, қанча кўп тил билсак, шунча яхши экан-да!

Гап айланиб Лакланд инглиз тили мактабига келиб тақалди. Бизнинг мактаб 50-йилларда ташкил этилган. Шундан буён бу ерда минг-минглаб кишилар тил ўрганиб кетишмоқда. Бу мактабни ҳозирда ҳар ҳафтада 25—30 мамлакатдан 100 киши тугатиб кетади. Демак, ҳар ҳафтада 100 киши инглиз тилида гаплашувчилар сафига қўшилмоқда. Яна битта хурсанд қиладиган томони шундаки, улар қаторига биз ўзбеклар ҳам қўшиляпмиз.

Жума куни эди, чамамда. Дарсдан қайтиб, дам олаётган эдим. Телефон жиринглаб қолди. «Лаббай» дедим дастакни олиб.

— Эшитдингизми,— деди телефонда майор Ваҳоб Расулов. — Майор Саидакмал Қаюмов имтиҳондан 70 балл олибди. Табриклагани кетяпмиз, юринг.

Ярим соатлардан сўнг ҳаммамиз майор С. Қаюмовнинг хонасида тўпландик. Кейинги имтиҳондан лейтенант Мавлон Турсунов 65 бал, капитан Турдибой Шодмонов 62 бал олишди. Ўзбекистонликларнинг муваффақиятли тил ўрганишаётганининг гувоҳи бўлиб, 10 йилдан бери инглиз тилини ўрганиб келаётган японияли лейтенант Кёнсенки Исогай ҳайратини яшира олмади: «Ўзбеклар тилни тез ўрганишар экан».

Яна илк фикримга қайтаман. Ҳозир биз истиқомат қилиб турган Сан-Антонио шаҳрида олдин ўзбеклар бўлганми, йўқми, хабарим йўқ. Бироқ, бугун шу нарса ҳақиқат: Бу ерларга ҳам ўзбекларнинг қадами тегди. Ўзбекча сўзлар янграяпти. Шуниси қувончлики, бу ерларда ўзбеклар ҳам инглизча гаплашаяпти.

Капитан А. ОБРУЕВ.
АҚШ, Техас штати, Сан-Антонио шаҳри.
(Телефон орқали).

Ҳамдўстлик мамлакатларида

АШХОБОД. Туркманистонда бу йил 6 миллион тонна нефть ҳамда 53 миллиард куб метр газ ишлаб чиқарилади. Туркманистон Президентининг «1997 йилда Туркманистонда нефть, газ ва газ конденсати ишлаб чиқаришни таъминлаш дастурини тасдиқлаш» ҳақида эълон қилинган қарорида ана шундай дейилади. Ҳужжатда таъкидланишича, Туркманистонга ушбу соҳани ривожлантириш учун 470 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий сармоя киритилиши кўзда тутилмоқда.

СУХУМИ. Абхазия — Грузия чегарасидаги Ингур дарёси бўйида ҳар икки томон вакилларининг Россия ҳамда БМТ ҳарбий кузатувчилари иштирокидаги учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда тинчликни сақлаш бўйича МДҲ коллектив кучларининг Абхазиядаги ваколати муддати яна олти ойга чўзилгани маълум қилинди.

Айни пайтда Грузия парламенти Абхазиядаги можарони бартараф этиш муаммосини муҳокама этишга киришди.

ГРОЗНИЙ. Чеченистон Президенти Аслан Масхадов мамлакат Бош вазирининг ўринбосарларини тайинлади. Эндиликда бош вазирга саноат масалалари бўйича Шамил Басаев, давлат сиёсати ва матбуот бўйича Мавлоди Удугов, ижтимоий масалалар бўйича Ислом Ҳалимов кўмак берадилар. Чеченистон конституциясига мувофиқ, Бош вазир ўринбосари лавозимига ўз номзодини қўйганлар Президентнинг розилигидан сўнг, мамлакат парламенти томонидан тасдиқланиши лозим.

АЛМАТИ. Жаҳон банки Қозоғистонда кўчмас мулк бозорини янада ривожлантириш учун 10 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз беришга қарор қилди.

Қозоғистон мустақилликка эришгандан сўнг, мамлакатда бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишларидан бири этиб кўчмас мулкларни хусусийлаштириш вазифалари белгиланди. Жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётган мазкур лойиҳа ушбу ҳуқуқий меъёрларнинг аниқ тизимини яратишга ҳамда хусусий секторни ривожлантиришга ёрдам беради. Ушбу лойиҳанинг умумий баҳоси 13,28 миллион АҚШ долларини ташкил қилиб, унинг 3,3 миллион АҚШ доллари Қозоғистон ҳукумати томонидан ажратилади. Ҳозирга қадар мазкур халқаро молиявий ташкилот 13 та лойиҳани амалга ошириш учун Қозоғистонга 959 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз берган.

ДУШАНБЕ. Тожикистонда МДҲ Тинчликни сақлаш коллектив кучларининг (ТСКК) янги қўмондонлиги иш бошлади. Маълумки, Тожикистон ҳукумати ва Тожикистон бирлашган мухолифати раҳбарлари Москвадаги сўнгги музокаралар чоғида мамлакатдаги ҳарбий муаммоларни бартараф этиш ҳақида протокол имзолаган эди. ТСККнинг янги қўмондони этиб тайинланган генерал-лейтенант Борис Дюковнинг фикрича, МДҲ коллектив кучлари ана шу ҳужжатда илгари сурилган тадбирларнинг амалга оширилишига кўмак беради.

ТБИЛИСИ. Грузияда 1989 йил 9 апрелда Тбилисида рўй берган фожианинг 8 йиллиги ёдга олинди. Маълумки, ўшанда Грузия мустақиллигини талаб қилиб чиққан аҳолининг тинч намойиши собиқ шўро ҳукумати томонидан шафқатсизларча бостирилган эди. Бу ваҳшийлик оқибатида 16 нафар киши ҳалок бўлган эди. Грузия пойтахти аҳолиси 1989 йил апрелда ҳалок бўлганларнинг хотирасини ёд этиб, шаҳидлар ҳайкали пойига гуллар қўйди.

МОСКВА. Жаҳон банки Россия Федерациясидаги иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бу мамлакатга тўққиз миллиард АҚШ доллари миқдорида қарз ажратишга қарор қилди. Россия ушбу маблағни уч йил давомида олади. Бу ҳақда Жаҳон банки президенти Жеймс Вулфенсон Москвага ташрифи олдидан журналистларга маълум қилди.

Бугунга қадар Жаҳон банки турли лойиҳалар бўйича Россияга қариб 6,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида қарз берган. Айни пайтда Россия ушбу банкнинг энг йирик қарздорлари рўйхатида Хитой ва Ҳиндистондан сўнг учинчи ўринга чиқиб олди.

БИШКЕК. Қирғизистон Президенти Аскар Акаев расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлди. Ташриф чоғида А. Акаев Қозоғистон раҳбари Н. Назарбоев билан учрашди. Икки қўлик ташриф чоғида ушбу қўшни мамлакатлар ўртасида абадий дўстлик ҳақидаги шартнома, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ташкил этиш, ҳарбий ҳамкорлик, шунингдек, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ишчи кучининг эркин айланиши ҳақидаги бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

(ЎзА).

ТОЗАЛИККА НИМА ЕТСИН!

Инсон таъби нозик, дейдиз-у, аслида у ўзгарувчан нарса бўлади. Мана, ўзингиз текшириб кўришингиз мумкин. Агар уйимизда бирор сочиқ ёки чойшаб сал кирланиб қолса, унча эътибор бермаймиз. Чунки, биламизки, онасининг иши бошидан ошиб-тошиб ётибди. Шундай бўлишига қарамасдан биз айтмасак-да, бугун ё эртага албатта оппоқ қилиб ювади. Бу тўғрида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Хўш, қисқа муддат қўниб ўтиладиган меҳмонхона ёки дам олиш уйларида ўзимизни қандай тутамиз? Ҳа-а, бу ерларда таъб қурғур дарҳол юз саксон градусга ўзгариб қолади. Мабодо сочиқдами, ёстиқ жилдидами нуқтадек доғ бўлса, тамом, уни тезда янгисига алмаштиришларини талаб қиламиз.

Хизмат юзасидан, ота-оналар делегацияси билан ҳарбий қисмларга борсак, яна бошқачамиз. Гоҳо-гоҳо аскарлар ётоқхонасида юқоридагидан ҳам ёмонроқ ҳолатларга кўзимиз тушса, миқ этмаймиз. «Э, майда-чуйда камчиликлар-ку», дея бу нуқсонларга панжа орқасидан қараймиз. Худди биз индамасак ҳам улар уйдагидек эртагаёқ тузалиб қоладигандек. Аслида эса бизнинг бегамлигимиз, кимнингдир бефарқлиги, тарбиясизлиги туфайли кичик камчиликлар газак олаверади...

Хуллас, бу сафар аскарлар ошхонаси, замонавий ўқув хоналари, машқ, спорт майдонларини кўриб қаттиқ суюнган эканманми, казармага келиб кайфиятим бузилди. Бундай қарасангиз ётоқхонада барча шароитлар муҳайё. Рангли телевизор дейсизми, дам олиш бурчаклари дейсизми, ҳатто, деразаларга ҳаво тозалагичлар ҳам ўрнатилган. Деворларга эса катта-катта манзарали суратлар ёпиштирилган. Кўриб баҳри-дилинг очилади. Аммо ёстиқ ва сочиқларининг ранги униқиб кетганини кўриб хайрон қоласиз. Наҳотки, аскарларга шунча шарт-шароитларни яратиб берган командирлар кирларнинг ўз вақтида ювилишини назорат қилишмаса? Шеригим — қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари изоҳ берди: «Қаранг, 2—3 кун олдин алмаштирилган эди. Кирхонага топширилган нарсалар шунақа бўлиб қайтаяпти. Ўзимизда ювайлик десак, имкон йўқ».

Шу гап баҳона бўлди-ю, ўзимча муаммонинг тагига етмоқчи бўлдим. Эртасига эрталаб Термиз гарнизонининг кир ювиш комбинатига йўл олдим. Шаҳар маркази да жойлашган бу биноннинг ташқи кўриниши тузукгина. Комбинат бошлиғи Бўрибой ака Жўраевнинг хонасига кириб салом-аликдан сўнг унга ўзимни таништирувдим, унча ажабланиб ўтирмади. Буни кўриб «менсиз ҳам тафтишчилар, текширувчилар етарли бўлса керак», деган фикрга келдим.

Аслида бировнинг хатосини топиб, шартта хулоса чиқаришдан ёмони йўқ. Шунинг учун гапни узоқдан бошладим.

— Қийналмаяпсизларми ишқилиб, камчиликлар йўқми?

— Йўғ-э, қўлдан келганча аста-секин тузатяапмиз. Бундан беш йил олдин ишга келганимда аҳвол жуда ёмон эди. Бино 30-йилларда қурилган эмасми, ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам сувоқлар тўкилиб кетган экан. Бу ҳам етмагандек кирхона кўмир билан ишлагани учун ҳовлида 25—30 тоннача тош аралаш кул уюлиб ётарди. Ўшанда ёнимиздаги идоралар ходимлари - тутун, чангдан безор бўлиб «кирхона бу ердан кўчирилсин» деб кетма-кет шикоятлар ёзиб юришувди. Комбинатнинг ҳисоб рақамида бир сўм пул йўқ. Икки йил ичида 700 минг сўм пул туширдик. Шундан сўнг бино яхшилаб таъмирланди. Ҳовлига, кўчага бетон, темир панжаралар ўрнатдик. Ҳовлининг темир-терсаклар ташланиб қамишзор бўлиб ётган тарафини тозалаб узум, хурмо, ҳар хил дарахт кўчатлари экдик. 1995 йили корхона газлаштирилди. Қўшимча сув сақланадиган катта цистерна ўрнатилди.

Ҳозир ҳисоб рақамимизда 700 минг сўм пул бор-у, кирхона ҳудудини асфальт қилишга имкон бўлмаяпти. Кимёвий тозалаш бўлими очиш ниятимиз бор. Агар комбинатимиз хўжалик ҳисобида бўлса ишларимиз янада яхшиланиб кетган бўлармиди...

— Ия, қисқа муддат ичида шунча ўзгаришлар қилибсизлар. Ишлар ёмон эмас-ку! Бўрибой ака, келинг яхшиси корхонанинг иш тартиби билан танишайлик.

— Бемалол, марҳамат. Бизда ҳаммаси бўлиб 12 киши ишлайди.

Комбинатнинг ўт ёқиш, қабул қилиш ва тарқатиш, кир ювиш, сиқиш, қуритиш, тахлаш, дазмоллаш хоналарини айланиб чиқдик. Душанба, сешанба кунлари қабул қилиб олинган чойшаб, ёстиқ жилди, сочиқ, ич кийимлари, пайтавалар жума куннёқ қайтариб бериларкан.

Мени энг қизиқтираётган нарса тарқатилаётган нарсаларнинг сифати, тозалиги бўлгани учун яна қабул қилиш ва тарқатиш бўлимига қайтиб келдик. Махсус токчаларда ҳар бир нарса алоҳида-алоҳида тартиб билан тахланган. Аммо уларнинг сифати мени қониқтирмади. Тахлаб қўйилган сочиқлар орасидан биттасини тортиб олиб, уни Бўрибой акага кўрсатдим.

— Қаранг, мана шуни яхшилаб ювилган деса бўладими?

— Эй, укажон, ярамга туз сепасиз-а. Бояги дарсимни яшириб турувдим. Очиғи, кир ювиш машиналарининг ҳам муддати етиб қолди. Ишга келганимдан бери буларга эътиёт қисмлари берилгани йўқ. Ҳаммасини ўзимиз топамиз. Майли, буни ҳам қўя турайлик. Аввало бизга энг сифатсиз сода берилади. Бу ҳам етмагандек қоғоз халтада бўлса, 20 килограммлик нарса йиртилиб 18, 16, 15 килограмм бўлиб келади. Гоҳо муддати ўтиб, саргайиб кетган бўлади. Аслида биргина сода билан иш битмайди. Унга қўшиб крахмал, оқартиргич, хўжалик совуни, кальцийлаштирилган сода, синка ҳамда чой, анор, йод сингари нарсалардан қолган доғларни кеткизадиган махсус воситалар ҳам бўлиши керак. Ўтган йили бир марта 800 килограмм кальцийлаштирилган сода олувдим. Кирлар шунақа тоза бўлдики, қўяверасиз.

Албатта, муаммони ечиш учун ҳар хил усул қиляпмиз. Масалан 50 эмас 40 килограмм кирга 2 килограмм сода соламиз. Фойдаси жуда кам. Бир куни синов учун машинага «Альфа» порошогини солиб кўрдик. Шундай кўпириб кетдики, ҳатто машинанинг қопқоғидан ҳам чиқиб кетди.

Кирлар яхши ювилмайди, қайнатилмайди, деган гаплар бўлмаслиги учун бултур ҳар бир машинадаги сувнинг даражасини ўлчайдиган монометр ўрнатдик. Шунча ҳаракат қиляпмиз. Лекин...

— Хўш, аҳволни яхшилаш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Биринчи навбатда порошокнинг сифати яхши бўлиши керак. Иккинчидан, энг зарур тозалаш воситалари бўлиши лозим. Аммо, муаммо бу билан тугамайди. Гизга боғлиқ бўлмаган яна бир томони бор. Топширилган нарсаларнинг ишлатилиш муддатини қаттиқ назорат қилиш керак. Гоҳо, кирларнинг ҳаммаси бирданига олиб келинмайди. Агар бир бўлинма аскарларининг нарсалари кейинги ҳафтагача қолиб кетса, уларни сифатли қилиб ювиш ўз-ўзидан қийинлашади.

Гоҳида тўп-тўп кирларнинг ичидан этик, машина артилган, қорамойга ботган сочиқ, ич кийимлари ҳам чиқиб қолади. Биз, буларни ювиб бўлмайди, доғи кетмайди десак ҳам «майли ювиб берсангиз бўлди» дейишади. Менимча, камчиликларни тезроқ тузатмоқчи бўлсак, юқорида айтганимдек комбинатни хўжалик ҳисобига ўтказиш керак. Чунки, ўшанда шаҳардаги кўплаб ташкилотлардан буюртмалар олиб, қўшимча пул топардик, етишмовчиликларни ҳам ўзимиз ҳал қилган бўлардик...

Мана, ўзингиз гувоҳи бўлдингиз. Юқоридаги муаммони йўқотиш фақат кир ювиш комбинатига эмас, балки оддий аскарларнинг ўз аяжомларига муносабатидан тортиб, то масъул қисм командиригача боғлиқ экан. Қаранг, комбинатнинг каттагина биноси, машиналари, ишчи кучи бўлса, ойлик маошлари вақтида берилса-ю, бу ёғига келганда нега уларга эътибор бермаймиз? Ё тозалик фақат бизгагина керакми?! Ахир кир ювиш воситалари, эҳтиёт қисмлари билан таъминлашга имкониятимиз бор-ку! Ҳа, тўғри айтасиз, кимлардадир жиндак масъулият, қуйнчаклик етишмаяпти, холос.

Катта лейтенант А. УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

«МЕФА» — ВРАЧАМ И ПАЦИЕНТАМ

Современные способы медикаментозной терапии заболевания сердечно-сосудистой системы были обсуждены на научно-практическом семинаре, состоявшемся в Ташкентском государственном институте усовершенствования врачей. Он прошел в рамках 3-й Ташкентской международной выставки «Здравоохранение — 97» и был организован институтом, Международным фондом экологии и здоровья «Фосан» и швейцарской фармакологической фирмой «Мефа».

«Мефа», являющаяся дочерней фирмой всемирно известной фармацевтической компании «Абако» — один из лидеров по производству лекарств для лечения заболеваний системы кровообращения. С фирмой сотрудничают и учреждения Министерства здравоохранения нашей республики.

(УзА).

● ЗАРУБЕЖНЫЙ КАЛЕЙДОСКОП

ФРАНЦИЯ

АРМЕЙСКАЯ РЕФОРМА

22 февраля 1996 года президент Франции Жак Ширак объявил о начале внедрения обширной программы по перестройке французской оборонной промышленности, а также об упразднении всеобщей воинской обязанности и введении профессиональной воинской службы, которую сделала необходимой новая геополитическая ситуация.

Реформа непосредственно связана с переосмыслением роли вооруженных сил в условиях окончания «холодной войны». Угрозы со стороны стран бывшего Варшавского Договора больше не существует, но появляются новые критические ситуации, не связанные с защитой границ. С момента крушения Советского Союза территориальной целостности Франции ничего не угрожает. Нападение на французскую территорию кажется абсолютно нереальным. В то же время учащаются случаи региональных конфликтов, в основе которых лежат этническая или религиозная рознь и которые могут представлять определенную опасность для стабильности Европы. А это значит, что французские вооруженные силы вместе с военнослужащими других стран все чаще и чаще будут участвовать в операциях по поддержанию или установлению мира где-ли от собственных границ. Тем более что проходящие в настоящее время реформы НАТО предполагают более активную роль европейских стран, которые, располагая военной и стратегической мощью Атлантического Союза, будут способны действовать самостоятельно, без участия США.

В БОРЬБЕ С НАСИЛИЕМ

С ноября прошлого года французские государственные и частные телевизионные каналы сопровождают свои трансляции специальными знаками, предупреждающими родителей о наличии сцен насилия, которые могут шокировать детей.

Государственный комитет по теле- и радиовещанию, контролирующий телевизионные программы, с начала этого года начал работу по приведению в действие механизма, призванного бороться против заполонения телеэкранов фильмами, пропагандирующими насилие. Изучив недельную программу «под микроскопом» в те часы, когда телевизор смотрят наибольшее число зрителей, комитет насчитал более десяти сцен насилия в час. И это несмотря на новые правила, обнародованные в 1989 г., согласно которым каналы под угрозой санкций обязывались транслировать передачи, содержащие сцены насилия, в более позднее время для взрослой публики.

ПРИОРИТЕТ — ЭКСПОРТУ

Французские автостроительные компании поняли, что автомобильный рынок Европейского союза представляет все меньше и меньше возможностей. Отныне их внимание привлекают страны с быстрыми темпами развития, в частности, на азиатском континенте (Китай, Индия и др.) и в Южной Америке (Бразилия, Аргентина). Будущее «ситроена», «пежо» и «рено» вершится отныне не в Париже, а в Пекине, Дели и Буэнос-Айресе.

Подготовила Г. САФАРОВА.

● ЖАСОРАТ УНУТИЛМАЙДИ!

АЛПҚОМАТ БАҲОДИРЛАР ТУҒИЛАВЕРАДИ

Россия мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги марказий архивида 1945 йилги газета тахламларини кўздан кечираётиб, катта сержант Никитюкнинг «Фрицлар учун тўқоқ» сарлавҳали мақоласи устида тўхталиб қолдим. Мақолани ўқий бошлайман:

«Сержант Жалилов етакчилигидаги автоматчилар гуруҳига «тил» қўлга туширишни топшириб келиш вазифаси топширилган эди. Автоматчилар тонг отиши олдидан ўрмон ичидаги йўлга чиқиб олишди. Йўл душман штаби жойлашган аҳоли пунктига олиб борарди. Шу сабабдан йўлда фашистлар қатнови кўп бўларди. Моҳир жангчи сержант Жалилов ва Бадриддинов кўп ўйлаб ўтирмасдан фрицларга тузоқ қўйишга қарор қилишди.

Пистирмада туришган жангчилар немисларнинг келишини диққат билан кузата бошлашди. Ниҳоят, ораладан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас узоқдан душман мотоциклининг товуши эшитилди. Мотоцикл яқинлаша борган сайин жангчиларнинг диққати тобора ошарди. Катта тезликда келаётган душман мотоциклчиси разведкачилар тортган арқонга келиб қолди. Гитлерчи ўзини ўнглаб улгурмай, асир қилиб олинди. Асирга тушган алоқа офицери бўлиб чиқди. Унинг ёнидан эса зарур ва қимматли ҳужжатлар топиб олинди».

Мақоладан қаттиқ таъсирландим. Довюрак ўзбек йигитининг жасурлиги менинг маҳлиё қилиб қўйди. Шу сабабдан ҳам қаҳрамон ўзбек йигити Жалиловнинг ким эканлигини аниқлашга қизиқиб қолдим. 143-ўқчи дивизия фондининг 2-рўйхатидаги 39-делонинг 149-варагидаги ҳужжатда кўрсатилишича, Мамадали Жалилов 1920 йилда туғилган экан, ҳарбий хизматга 1943 йил 6 сентябрь куни Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидан чақирилган. 1944 йил 13 апрелда дивизиянинг 800-ўқчи полки таркибида жангга тушган. Маълум бўлишича, мард, жасур, танида ўзбек қони жўш уриб турган бу полвон йигит жангга тушишига бир ой қолганида полк командирининг 1944 йил 14 майдаги 037/Н номерли буйруғига кўра «Жасурлиги учун» медали билан мукофотланган экан.

143-ўқчи дивизия командирининг буйруғига кўра 1944 йил 24 августда Мамадали Жалиловга III даражали Шуҳрат ордени берилиши ҳам ўзбек ўғлонининг довюраклигини кўрсатиб турибди. Келинг, яхшиси бунинг тафсилоти билан яқиндан танишайлик.

1944 йил 14 август куни Польшанинг Минск — Мазовецки уезддаги аҳоли пунктларидан бирига яқин бўлган тепалик учун олиб борилган жангда Жалилов қатъият билан ҳаракат қилиб, 2 нафар фашистни ер тишлатди. Душманнинг карши ҳужумини қайтариш пайтида у хизмат қилган рота анча талафот кўрди. Жалиловнинг юрагида аланга-ланаётган кўч уни душман ўқининг ёмғирларидан чўчимай дадил ҳаракат қилишга ундади. Яъни, у ўқ ёмғирлари остидан ярадор бўлган бир офицер ва 2 нафар солдатни олиб чиқди.

Галабага бўлган умиди, интилиши кучли бу алп йигит шиддатли жанглардан бирида мардларча ҳалок бўлди. Мамадали Жалилов 1945 йил 16 февраль куни Польшадаги Божья Воля қишлоқида дафн этилди.

Бу келтирган мисолимиз ўзбек аскарлари мардлиги ва жасурлигининг тимсолидир, Йигитларимизда ўзбекона ғурур, қатъият ҳар доим кучли бўлган.

Бугунда уларнинг матонатини эсга олиб ўтиш биз учун фарздир. Зеро, Амир Темурдек буюк саркардаларнинг руҳи кезиб юрган бу юртда мардлар, алпқомат баҳодирлар туғилаверади.

Мажид САМАДОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

Адабиёт ва санъат

Кўнгил кўчасига йўл

БАДИА

Ота-онамизнинг хоҳиш-иродаси ва эзгу ниятлари билан турмуш сафарига тўй аталмиш катта тантанада, ошна-оғайни, қўни-қўшнилар шоду-хуррамлигида, соғлик, бахт, оқ йўл тиланиб, ували-жували бўлишиб, униб-ўсиб, ўзимиздан кўпайишимизга фатво берилиб кузатилдик.

Биз, бир-биримизга ҳадик ва ҳавас, умид ва ишонч билан қараб-қараб, сафаримиз кўнгилли ўтишини, яхши ниятлар рўё бўлишини, омад кулиб боқишини кўнгилдан истаб, бахт таъмини тотиб турғандек энтикиб, саодатли дамлар нашидаси умидида бир-биримизнинг қўлимизни маҳкам нисиб, чимилдиқ аталмиш эшикдан турмуш сафарига йўл олдик.

Ва сен, ва мен «бир-биримизни билмаймиз-ку, бу сафарга бирга боролмаймиз», дея олмадик. Оқ йўл тилаганлар умидига таянтик, бизга бахт истаганлар тилагига ишондик, зиммамизга юкланган қутлуғ юкни манзилига етказишга шошилдик.

Ували-жували бўлиб, ўзимиздан кўпайишимизни хоҳлаганлар хоҳишига кўшилмасликка биздаги ҳаё йўл бермади. Эътироз билдиришга журъат тополмадик, ан-ғишалимиз, ибо кучли, номус ундан...

Кузатганлар дуосига ишонтик, шоллигидан суюндик, «севишганлар» бўлиб, севинч билан қучоқлашдик, бир-биримизни олтин дедик, ой дедик, орамизда муҳаббат йўқ, ҳарорат йўқ демадик, кўпга келган тўй-ку, деб кетавердик оқим бўйлаб.

На сен менга жаҳл тошин отмадинг, бегонага менгазлаб, на мен сенга ушлатмадим қаҳр отин ёлини, на сен менга лозим топмадинг хиёнатнинг шаробин, на мен сенга тутқазмадим рашк отининг жиловин.

Бироқ, кўнгил ўксик, қалбда бор яширин нидо, сездирмаймиз бир-биримизга, на сен, на мен ишонмаймиз юракка, алданмадимми, деб ҳадик билан, бир-биримиз кузатамиз-кутамиз, сир бермаслик умидида бир-биримиз қучамиз, таомил, деб алдамоқчи бўламиз ўз-ўзимизни.

Оқ йўл тилаганлар умидига таяниб, ишонтирмоққа куч топамиз, бизга бахт истаганлар тилагига ишониб, билсакда бунга на сенда бор эҳтиёж, на менда бор рад этишга бир илож. Далда бериб кўнгилга, кетяпмиз олис сафарга, малъун шайтон кирмасин деб ўртага қўл ушлашиб олганмиз.

Сафар олис, йўл машақатли, мақсад битта—зиммадаги қутлуғ юкни манзилига етказиш. Бироқ иккимизда икки туйғу, икки юрак, икки ўй, ҳар биримиз ўзга дунё, ўзга соҳил. Во ажабо, қўл ушлашиб олганмиз-у, дил тафтини сезмаймиз, танамизда титроқ, вужудимизда ўт йўқлигини билсакда, журъат топиб на хаёлан, на кўнгилдан ўзга йўлни изламаймиз, дуоларга ишонамиз, тилакларга суянамиз, истакларга бўйсунамиз. Зиммамизда қутлуғ юк бор, у бизларни тўхтатмайди, толдирмайди, катта йўлда ўй сурдириб қолдирмайди, чунки бизда ҳаё кучли, ибо кучли...

Узоқ юрдик, бир-биримиздан тополмаган нимани-дир ахтариб. На сен, на мен уни ўзгалардан изламадик, умидларга қилиб хиёнат, нолимадик зўрлик қилиб ҳиссиёт. Бурилмадик чеккага, жим-жимадор саробларга кўз тикиб, сабр-қаноатни от қилиб кетавердик манзил томон.

Катта йўлда қўл ушлашиб олганмиз, ўзга хаёл, ўзга ўйни сезмаймиз, эзгу ният юкни ортиб елкага, кетмоқдамиз манзил сари.

Йўл битта, ўй битта, истамаймиз олислашиб бир-биримиздан. Во ажабо, икки кўнгил, икки дил, икки соҳил бирлашганмиз сафарда, на сен кўнгил узиб кетолмайсан, билиб мени бегона, на мен бурилмайман бошқа йўлга, нимани-дир қилиб баҳона. Кўнглимда бор катта кувонч, айтолмайман сенга буни, кўксингда бор фараҳбахш нур, кўрсатолмайсан уни, катта йўлда кетяпмиз манзил томон.

Мақсад битта — елкамизда қутлуғ юк, кўнглимизда имон, сезиб қолганмиз, менинг ўйимда, сенинг кўксингда талпиниб бир инсон, биз томон — бизнинг дунёга ошиқмоқда, кўнгил кўчасига йўл очиб...

Полполковник Райимқул САФАРОВ.

АВТОПРОБЕГ

Те дамы и мужчины,
Кто ловок и богат,
Шикарные машины
Получат напрокат.
А нам с тобой, неброским
И подошедшим после,
Достанется повозка
И низкорослый ослик.
Он двигателем хлопать
Хотя и не умеет,
Зато о горных тропах
Понятие имеет.
Зато, услышав: «Трогай!»,
Без гаек и моста
Он тронется в дорогу
В заветные места,
И в час, когда усталый
Кортеж назад вернется,
Наш путь к далеким
скалам
Едва-едва начнется.

В. МУРАТХАНОВ.

КИМ ҚАНДАЙ ЧЕКАДИ?

(ҲАЗИЛ)

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳаётимизда улкан янгиланишлар бўлаётгани каби, инсон руҳиятида, жумладан одамларнинг сигарет чекишга бўлган муносабатларида ҳам қатор ўзгаришлар рўй бермоқда. Кашандалар илмий-текшириш институтининг маълумот беришича, касб-кори, бойлиги, тониш-тутиши, тадбиркорлиги, яшаш шароити, қорни оч ёки тўқлиги, кайфияти, эгаллаб турган лавозими ва ҳоказоларга қараб, чекувчиларнинг чекиш услуби ҳам турли хил бўлар экан.

Масалан, бор одам бураб чекар экан, йўқ эса сўраб чекар экан. Ҳотамтой узатиб чекади, хасис кузатиб чекади. Тадбиркор кесиб чекади, лоқайд эса эзиб чекади. Қорни тўқ ётиб чекса, қорни оч ботиб чекади. Аҳли тижорат сотиб чекади, харидор олиб чекади. Шоирлар ўйлаб чекса, санъаткор куйлаб чекади. Маст сўкиниб чекади, ҳушёрлар ўкиниб чекади. Раҳбарлар куттириб чекса, тобелар кутиб чекади. Катталар ошкора чекади, ёшлар яшириб чекади. Эркаклар тутатиб чекса, аёллар безатиб чекади.

Тўлқин РУЗИЕВ, муқобил хизмат хизматчиси.

ҲИНДУЧА ТАНИШУВ

Ногаҳон бир гўзални учратдиму бутун фикр-хаёлим остин-устун бўлиб, қалбимда ғалаён бошланди. У шунчалар чиройли эди-ки, тасвирлашга ожизман. Лекин қиз билан танишишнинг сира иложи йўқ эди. Ҳар куни унинг кўчадан ўтишини орзиқиб кутиб, сўнг то уйигача ортидан кузатиб борардим.

Қиз эса ўзига одам эмас, гўё лайча эргашиб юргандай менга парво қилмасди. Минг хил турланиб, товландим, миллион кўйга кириб чиқдим. Натижа уч, тўртта нолдан нарига ўтмайди. Уни шунчалик севиб қолдимки, йигитлик иззат-нафсини ҳам паққос унутгандим.

Ўзимни ерга уриб, оёғининг тагида шувоқ супурги бўлиб кетсам-да, ақалли бир оғиз ширин ёки аччиқ сўзини эшитиш насиб этмади, мен бечорага. У фақат икки марта «сен ҳам одамми, фу» дегандай ижирғаниб назар ташлади, холос. Муҳаббатим олови эса керосин сепилгандай тобора гуриллади.

Мана, бугун ҳам кўксимни диванга бериб ётибман. Ҳеч нарса ёқмайди. Ёнимга кулдон ўрнига катта хамир тоғора қўйиб олганман. Лабимда сигарет, калламда нима қилиш керак, деган савол. Нима қилиш керак? Ишлатмаган бирорта ҳунарим қолмади. Агар қолган бўлса, ўйлаб ўтирмай ишга солардим. Усиз дунё мен учун кўмир шахтаси, овқатлар бемаза, сигареталарнинг кучи йўқ, одамлар душман...

Шу пайт телевизорда ҳиндулар тўғрисида ҳужжатли фильм берилиб қолди. Дастлаб унча диққат қилмаган бўлсам-да, аста-секин қизиқа бошладим. Воқеа жуда ҳаяжонли эди.

Тадқиқотчилар чиқаё қабиласи ҳақида эшитиб қоладилар ва уларни қидириб йўлга тушадилар. Еввойи ўрмонда узоқ вақт изғиб юришади. Фақат саккизинчи кунигина одамлардан нишона — ташландиқ кулбалар, турли буюм синиқлари учрайди. Учинчи куни дарёда оқиб келаётган бамбук камон ўқини, ўн биринчи куни эса жунглига кириб кетган тор сўқмоқни топадилар.

Тадқиқотчилар сўқмоқ билан йўлга тушадилар. Анча вақт ўтгач, ҳиндуларнинг қичқиригини эшитиб қоладилар. Улар қишлоққа яқинлашиб, ҳарида ўтирган бир қари ҳиндуни кўришади. Бошқа ҳинду эркаклар соялда дам олиб ётардилар. Учай деб қолган гулхан тутуни тўлқинланиб кўкка ўрлар, атрофда кичкина сержило тўтилар дайдир эди. Тадқиқотчилардан бири қўлидаги ялтироқ мунчоқларни боши узра баланд кўтарганча чолга яқинлашади. Икки олам одами бир-бирига ваҳимали тикилганча қотиб қолишади. Лекин бу ҳол жуда оз вақт давом этади. Чол ёввойи қичқириқ билан сапчиб туради. Тўс-тўполон кўтарилади. Аёллар ва болалар жон ҳолатда қочиб қолишади. Эркаклар эса камонларига ёпишадилар. Узун бамбук ўқлар визиллаб учади. Тадқиқотчилар мунчоқларни ерда қолдириб чекинадилар.

Улар ҳиндуларнинг тинчланишини узоқ кутишади ва тағин қайтиб келишади. Бироқ ҳиндулар баттар шовқин кўтарадилар. Тадқиқотчилар қўлларидаги мунчоқларни ярақлатиб ишонч билан олга юрадилар. Кутилмаганда буталар орасидан учта ҳинду отилиб чиқади ва камонларини ташлаб мунчоқларга ёпишади. Кейин дарров яширинишади. Ўрмон ичкарисидан чиқаоларнинг қийқириги эшитилади. Тағин икки ҳинду мунчоқ олади ва аста-секин улар сонқ кўпая боради. Охири катта тўда чиқиб келади. Бу гал совга олгач, ҳеч ким қочмайди. Шундай қилиб, танишув бошланади...

Уҳ!!! Тўсатдан калламга шундай фикр келди-ки, сапчиб ўрнимдан туриб кетдим. Мана, танишишнинг йўли канақа бўларкан!!! Апил-тапил кийиндим-у, кўчага ўқдай отилдим. Ишқилиб заргарлик магазини ёпилиб қолмаган бўлса бас...

Ориф ФАРМОНОВ.

Баҳор. Соғинч ва севги фасли.

Икки қалб — муҳаббат васли.

А. ЭШБОЕВ суратга олган.

ЧАҚИРИҚ ХАТИ КЕЛДИ

Ўғлон, сафарга отлан,
Ватан хизматга чорлар.
Аскар бўлиб қўриқлайди,
Халқини кучи борлар.
Она юртга садоқатинг,
Исботлаш-чун сафга тур.
Шаҳдам юриб чиниққайсан,
Чаққонларга марш ҳам
жўр.
Ватанпарвар йигит бўл,
Азамат юрт ўғлони.
Бурчингни адо қилсанг,
Юксалар Ватан шони.

Нурмуҳаммад МУҲАММАДИЕВ.

ПОСБОНЛАР ҚУШИҒИ

Биз посбонмиз,
посбонмиз,
Чиндан кўкси осмонмиз.
Чегарамиз дахлсиз,
Чангали зўр қоплонмиз.

Нақорат:

Биз Алпомиш авлоди,
Қалбда Темурбек ёди,
Кимки сарҳадга келса,
Эшитилар фарёди.
Армиямиз мустаҳкам,
Сафларимиз жипс,
маҳкам.
Шумқадам ёв келмасин,
Зийраклик бизга ҳамдам.

Нақорат:

Оппоқ тонглар орзумиз,
Ҳеч кимдан йўқ
қарзимиз.
Яхшиликка яхшилик,
Шундай турмуш
тарзимиз.
Пир-аждодлар руҳи ёр,
Дўстлар бизга мададкор.
Ҳамжиҳатлик бўлса бас
Тинчлик бўлар барқарор.

Нақорат:

Бобомурод МУҲАММАДИЕВ.

МЕН ТАНКЧИМАН

Мен танкчиман,
мен танкчи,
Моҳир, қўрқмас, мард
жангчи.
Танким созлаб, авайлаб,
Барча қисмин мойлайман.
Ғулат аргумоғимни,
Ҳарбий машққа
шайлайман.
Мен танкчиман,
мен танкчи,
Қўрқмас, моҳир, мард
жангчи.
— «Танкка»! — буйруқ
янграса,
Жойлашаман тезгина.
Гулдиратиб юргизиб,
Бошқараман созгина.
Мен танкчиман,
мен танкчи,
Моҳир, қўрқмас, мард
жангчи.
Ватанимга қудратли,
Пўлат зирҳли қалқонман.
Мўлжал олиб отишга,
Жуда мерган, чаққонман.
Мен танкчиман,
мен танкчи,
Қўрқмас, моҳир, мард
жангчи.
Она Ватан ишончин,
Чин юракдан оқлайман,
Шон-шуҳратин, шарафин,
Гард юқтирмай
сақлайман.
Мен танкчиман,
мен танкчи,
Моҳир, қўрқмас, мард
жангчи.

Фахриддин ЭРНАЗАРОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

● ТЕННИС: МЕЖДУНАРОДНЫЙ ТУРНИР

Корт выявляет сильнейших

17-й традиционный международный турнир по теннису среди юношей и девушек, проходящий на кортах спорткомплекса Министерства обороны, выходит на финишную прямую.

В минувшие дни шла борьба за выход в основную сетку как у юношей, так и у девушек. Кто-то испытывал радость победы, а кто-то горечь поражения. В результате упорнейших поединков на вчерашний день в основной сетке осталась восьмерка сильнейших теннисистов. Они в течение дня «выясняли отношения» между собой, чтобы определиться, кто же завоюет право участия в полуфинале.

Первыми на корт вышли Куреши Айсам Уль Хак (Пакистан) и наш земляк Владимир Бистравичюс. Поединок получился на редкость захватывающим и интересным. Юные спортсмены были достойны похвалы. Практически ни в чем не уступали они друг другу: в мастерстве, тактическом построении игры. Как правило, в таком случае на столь представительных соревнованиях в силу вступает психологическая борьба. Нервы оказались крепче у соперника узбекистанца. Пакистанец, обыграв Владимира со счетом 6:7, 6:3 и 6:2, вышел в полуфинал. Также выиграв у своего соперника, Куреши Айсаму составит пару Максим Бельский из Беларуси. Другую полуфинальную пару составят Алексей Кедрюк (Казахстан), выигравший у литовца Евгения Карнова и Игорь Кунитсин (Россия), одолевший своего земляка Андрея Южного.

У девушек в борьбу за выход в полуфинал вступили наши Лилия Биктякова, Ирина Ярикова, Анна Шупак и Ирода Туляганова. Все они играли достойно, оказывали соперницам упорнейшее сопротивление. К примеру, игра Елены Воропаевой (Россия) и Ироды Туляганової. Сам за себя говорит и счет — 7:6, 6:4, с которым выиграла россиянка.

Таким образом, у девушек полуфинальные пары составили Людмила Скавронская (Россия) и Алесия Николаева (Беларусь), Юлия Крюкова и Елена Воропаева (обе из России).

Капитан Х. ЗАННИЛОВ, корр. «Ватанпарвара».

КОГДА ВЕРСТАЛСЯ НОМЕР. После завершения полуфинальных поединков стали известны имена финалистов: у юношей — М. Бельский и Н. Кунитсин; у девушек — Л. Скавронская и Е. Воропаева.

ТЕЛЕПРОГРАММА. "30 КАНАЛ"

ПОНЕДЕЛЬНИК 14 АПРЕЛЯ

17.05 «Карапуз ТВ» представляет...
18.00 «Девушки-соседки». Сериал для подростков (Франция).
18.25 Музыкальная программа.
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Милый враг». Телесериал (Венесуэла).
20.00 «Открытые небеса»: «Лев и Александра». Док. фильм.
20.55 Мультик на ночь: «Ведьма Салли» (Япония).
21.20 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
21.25 «Закон Лос-Анджелеса». Телесериал (США).
22.15 Телегазета «ТВ-партнер».
22.20 «Вдова Бланко». Телесериал (Венесуэла).
23.10 Комильфо.
23.30 «Чертова служба в госпитале МЭШ». Телесериал (США).
24.00 «Опасный поворот». Детектив, 1 часть.
1.10 «ИксЛ-Мисик».
1.40 «Перекрестки». Телесериал (Мексика).
2.30 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
2.35 Анонс телепрограмм.

ВТОРНИК 15 АПРЕЛЯ

17.05 «Карапуз ТВ» представляет...
18.00 «Девушки-соседки». Сериал для подростков (Франция).
18.25 Музыкальная программа.
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Милый враг». Телесериал (Венесуэла).
20.00 «Открытые небеса»: «По следам животных». Док. сериал.
20.25 Мир чудес Анжелики Эффи.
20.40 Элита.
20.55 Мультик на ночь: «Ведьма Салли» (Япония).
21.20 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
21.25 «Закон Лос-Анджелеса». Телесериал (США).
22.15 Телегазета «ТВ-партнер».
22.20 «Вдова Бланко». Телесериал (Венесуэла).
23.10 Зоомагазин.
23.30 «Чертова служба в госпитале МЭШ». Телесериал (США).
24.00 «Опасный поворот». Детектив, 2 часть.
00.55 «Полицейские». Док. сериал.
1.40 «Перекрестки». Телесериал (Мексика).
2.30 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
2.35 Анонс телепрограмм.

СРЕДА 16 АПРЕЛЯ

17.05 «Карапуз ТВ» представляет...
18.00 «Девушки-соседки». Сериал для подростков (Франция).
18.25 Музыкальная программа.
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Милый враг». Телесериал (Венесуэла).
20.00 «Открытые небеса»: «Кино на дороге». Док. фильм.
20.55 Мультик на ночь: «Ведьма Салли» (Япония).
21.20 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
21.25 «Закон Лос-Анджелеса». Телесериал (США).
22.15 Телегазета «ТВ-партнер».
22.20 «Вдова Бланко». Телесериал (Венесуэла).
23.10 Шоу.
23.30 «Чертова служба в госпитале МЭШ». Телесериал (США).
24.00 «Каждой шутке свое время». Юмористич. программа.
1.30 Хит-коктейль.
1.40 «Перекрестки». Телесериал (Мексика).
2.30 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
2.35 Анонс телепрограмм.

ЧЕТВЕРГ 17 АПРЕЛЯ

17.05 «Карапуз ТВ» представляет...
18.00 «Девушки-соседки». Сериал для подростков (Франция).
18.25 Музыкальная программа.
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Милый враг». Телесериал (Венесуэла).
20.00 «Открытые небеса»: «По следам животных». Док. сериал.
20.25 Мода, мода.
20.40 «О чем пищат устрицы».
20.55 Мультик на ночь: «Ведьма Салли» (Япония).
21.20 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
21.25 «Закон Лос-Анджелеса». Телесериал (США).
22.15 Телегазета «ТВ-партнер».
22.20 «Вдова Бланко». Телесериал (Венесуэла).
23.10 Хит-коктейль.
23.30 «Чертова служба в госпитале МЭШ». Телесериал (США).
24.00 «Бум-1». Комедийная мелодрама.
1.45 «Перекрестки». Телесериал (Мексика).
2.30 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
2.35 Анонс телепрограмм.

СУББОТА 19 АПРЕЛЯ

17.05 «Карапуз ТВ» представляет...
18.00 «Семейка Адамс». Юмористический сериал (США).
18.30 «Воздушный цирк Монти Пайтона». Юмористическая программа (Англия).
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Милый враг». Телесериал (Венесуэла).
20.00 «Секретные материалы». Телесериал (США).
20.45 Мультик на ночь: «Ведьма Салли» (Япония).
21.10 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
21.15 «Империя». Телесериал (США — Мексика).
22.10 Телегазета «ТВ-партнер».
22.15 «Дорога в Эйвонли». Телесериал (Канада).
23.10 Мир спорта глазами «Жиллетт».
23.40 Хит-коктейль.
24.00 «На войне как на войне». Комедия.
1.20 Мой чемпион.
1.40 «Перекрестки». Телесериал (Мексика).
2.30 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
2.35 Анонс телепрограмм.

ВОСКРЕСЕНЬЕ 20 АПРЕЛЯ

9.05 «Карапуз-ТВ» представляет...
10.00 «Кроха». Программа для родителей.
10.15 Планета «Здоровье».
10.30 Дог-шоу. «Я и моя собака».
11.00 «В бой идут одни «старики». Комедия.
12.30 «ИксЛ-Мисик».
13.00 «Инспектор Фрост». Детективный сериал.
14.00 «Гвоздь» (О. Ефремов).
14.15 Клуб «Белый попугай».
15.00 Вечером на «30 канале».
17.00 Сегодня на «30 канале».
17.05 «Карапуз ТВ» представляет...
18.00 «Каникулы любви». Юмористический сериал для подростков (Франция).
18.50 Хит-коктейль.
19.00 Телегазета «ТВ-партнер».
19.05 «Милый враг». Телесериал (Венесуэла).
20.00 «Секретные материалы». Телесериал (США).
20.45 Мультик на ночь: «Ведьма Салли» (Япония).
21.10 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
21.15 «Империя». Телесериал (США — Мексика).
22.10 Телегазета «ТВ-партнер».
22.15 «Дорога в Эйвонли». Телесериал (Канада).
23.10 Синемания.
23.40 «Тройка, семерка, туз». Телеигра.
24.00 «Волга-Волга». Комедия.
1.40 «Перекрестки». Телесериал (Мексика).
2.30 «Луноскоп». Астрологические рекомендации.
2.35 Анонс телепрограмм.

ЛИТЕРАТУРНЫЙ КРОССВОРД

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 5. Автор повести «Кондуит и Швамбрания». 6. Роман Б. Горбатова. 10. Басня И. Крылова. 11. Автор рассказов «Трус», «Сигнал». 12. Пьеса Б. Лавренева. 16. Пьеса Л. Зорина. 18. Немецкий поэт, автор сборника «Романсеро». 19. Автор романа «Жизнь Арсеньева». 20. Повесть Л. Сейфуллиной. 21. Основоположник восточнославянского книгопечатания. 25. Роман И. Стаднюка. 26. Повесть А. Гайдара. 27. Рассказ М. Горького. 30. Вступление к литературному произведению. 33. Героиня романа В. Шишкова «Угрюм-река». 34. Роман Ф. Лопе де Вега. 35. Пьеса Н. Вирты. 36. Персонаж из «Трех мушкетеров».

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Автор поэмы «Русь». 2. Одна из основных единиц языка. 3. Герой произведения М. Твена. 4. Писатель, автор детской повести «РВС». 7. Автор «Американской трагедии». 8. Персонаж из «Маскарада» М. Лермонтова. 9. Роман Д. Олдриджа. 13. Ученый, поэт, заложивший основы русского литературного языка. 14. Рассказ В. Шукшина. 15. Роман Ж. Санд. 17. Пьеса А. Островского. 22. Повесть Н. Гоголя. 24. Автор повести «Сердечная недостаточность». 28. Автор романа «Вся королевская рать». 29. Герой романа А. С. Пушкина. 31. Рассказ А. Чехова. 32. Героиня романа Т. Драйзера.



Бош муҳаррир подполковник И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: индекс 700031 г. ТАШКЕНТ, ул. Д. КУНАЕВА, 21

ТЕЛЕФОНЫ: Зам. редактора — 56-17-98; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-46; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50.

Зак. 0138.